

ISSN 218-8088

XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

"XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

Muassis:

"Xalq ta'limi" jurnali tahririyati DUK

PUBLIC EDUCATION BULLETIN

"PUBLIC EDUCATION BULLETIN" JOURNAL

2017

1-son

(yanvar-fevral)

Jurnal 2015-yildan chiqa boshlagan

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi
137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

TOSHKENT



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining virtual qabulxonasini tashkil etish to'g'risida **2016-yil 6-dekabrda 278-sonli buyrug'i** 4



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining xalq ta'limi xodimlarining malakasini masofaviy ta'lim shaklini qo'llagan holda oshirishni takomillashtirish to'g'risida **2016-yil 10-dekabrda 281-sonli buyrug'i** 8



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining axborotdan foydalanuvchilarning ochiq hay'at majlislarida hozir bo'lish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida **2016-yil 12-dekabrda 283-sonli buyrug'i** 41



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining xalq ta'limi tizimidagi boshqaruv organlari faoliyatiga oid axborotni axborot-kutubxona va arxiv muassasalariga taqdim etish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida **2016-yil 22-dekabrda 298-sonli buyrug'i** 45



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining xalq ta'limi vazirligi hamda uning tizimiga kiruvchi tashkilot va muassasalar faoliyati to'g'risidagi axborotni olish uchun so'rovlarni qabul qilish, ro'yxatdan o'tkazish va qayta ishlash tartibi to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqida **2016-yil 30-dekabrda 311-sonli buyrug'i** 50



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasining 2017-yilgi asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari prognozi va davlat byudjeti parametrlari to'g'risidagi qarorining ijrosini ta'minlash haqida **2016-yil 30-dekabrda 312-sonli buyrug'i** 60



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 28-dekabrda 4906-son farmoni ijrosini ta'minlash to'g'risida **2016-yil 30-dekabrda 313-sonli buyrug'i** 63



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasining "Keksalar, nogironlar va aholining boshqa ijtimoiy ehtiyojmand toifalari uchun ijtimoiy xizmatlar to'g'risida"gi qonunining ijrosini ta'minlash haqida **2017-yil 3-yanvarda 2-sonli buyrug'i** 65



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining umumta'lim maktablarining 5-sinflar uchun chet tillaridan tayyorlangan o'quv dasturi va darslik-majmualarni tajribasinovaldan o'tkazish to'g'risida **2017-yil 6-yanvarda 3-sonli buyrug'i** 67



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasi fuqaro muhofazasi boshlig'ining 2016-yil 30-dekabrda 5-sonli buyrug'i ijrosini ta'minlash to'g'risida **2017-yil 6-yanvarda 6-sonli buyrug'i** 70



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 12-yanvarda 4789-son farmoyishi ijrosini ta'minlash to'g'risida **2017-yil 14-yanvarda 11-sonli buyrug'i** 80



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining ta'lim muassasalari va hududiy xalq ta'limi boshqaruv idoralarining reytingini aniqlash tartibi hamda umumta'lim fanlari bo'yicha bilimlar bellashuvini tashkil etish to'g'risida **2017-yil 16-yanvarda 13-sonli buyrug'i** 83

KIRISH

Mamlakatimizda inson manfaati har narsadan ulugʻ, degan ezgu gʻoya-ni izchil davom ettirish, hayotimizni yanada obod va farovon etish yoʻlida ulkan ishlar amalga oshirilmoqda. Bugungi kunda "Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili"ning asosiy maqsad va vazifalaridan kelib chiqqan holda, davlat organlarining fuqarolar bilan oʻzaro munosabatlari samarali yoʻlga qoʻyilmoqda. Xususan, xalq taʼlimi tizimida ham aholi bilan doimiy muloqot qilish, murojaatlarini hal etish borasida virtual qabulxonalar tashkil etilayapti.

Oʻzbekiston Respublikasi Xalq taʼlimi vazirining "Oʻzbekiston Respublikasi xalq taʼlimi vazirining virtual qabulxonasini tashkil etish toʻgʻrisida"gi buyrugʻi shu maqsadga qaratilgan. Buyruqda vazirlik tizimidagi barcha tashkilotlar faoliyati bilan bogʻliq boʻlgan ariza, shikoyat va takliflarni koʻrib chiqish jarayonini takomillashtirish koʻzda tutilgan. Unga koʻra, Xalq taʼlimi vazirining virtual qabulxonasi 2016-yil 30-noyabrdan boshlab vazir.uzedu.uz Internet tarmogʻi orqali ishga tushirildi. Shuningdek, Qoraqalpogʻiston Respublikasi xalq taʼlimi vazirligi, Toshkent shahar xalq taʼlimi bosh boshqarmasi, viloyatlar xalq taʼlimi boshqarmalari, xalq taʼlimi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy institutlari hamda davlat pedagogika institutlari, vazirlik tasarrufidagi respublika muassasa va tashkilot rahbarlari oʻz virtual qabulxonalari tashkil etishgan. Hozirda ular jismoniy va yuridik shaxslarning xalq taʼlimi tizimiga oid murojaatlarini koʻrib chiqish jarayonida samarali faoliyat olib borayapti.

Maʼlumki, taʼlim sifati va samaradorligini taʼminlash malakali kadrlar tayyorlash va ularning salohiyatini rivojlantirishga bogʻliq. Xususan, xalq taʼlimi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimiga zamonaviy taʼlim texnologiyalarini joriy etish, xususan, masofaviy taʼlim shaklini qoʻllash pedagog-oʻqituvchilarning malakasini oshirishda muhim rol oʻynamoqda. Oʻzbekiston Respublikasi Xalq taʼlimi vazirining "Xalq taʼlimi xodimlarining malakasini masofaviy taʼlim shaklini qoʻllagan holda oshirishni takomillashtirish toʻgʻrisida"gi buyrugʻi bu borada muhim ahamiyatga ega. Buyruqqa muvofiq, Xalq taʼlimi xodimlarining masofadan malakasini oshirish toʻgʻrisidagi Nizom tasdiqlandi.

Oʻzbekiston Respublikasi Xalq taʼlimi vazirining "Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 12-yanvardagi F-4789-son farmoyishi ijrosini taʼminlash toʻgʻrisida"gi buyrugʻi ham bugungi kunda juda dolzarb ahamiyatga ega. Buyruqda belgilangan oʻquvchi-yoshlarning kitobxonlik madaniyatini yuksaltirish, kitoblarga boʻlgan talabni oʻrganish, kitoblarni chop etish va taʼlim muassasalariga yetkazib berish holatini oʻrganish, taʼlim sohasidagi axborot-resurs markazlari fondlarini badiiy, maʼrifiy, ilmiy-ommabop kitoblar bilan yanada boyitish, kitob mualliflari bilan ijodiy uchrashuvlar tashkil etish kabi bir qator vazifalarning amalda bajarilishi mamlakatimizda kitobxonlik muhitini yanada yuksaltiradi.

Xulosa shuki, Xalq taʼlimi vazirining bu kabi hujjatlari taʼlim tizimi sifati va samaradorligini yuksaltirish, oʻquvchi-yoshlarni aqlli, bilimli, dono va komil farzandlar boʻlib ulgʻayishi uchun xizmat qiladi.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 6 декабрь

278-сонли

Б У Й Р У Қ И**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш, жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари қабул қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш, вазирлик тизимидаги барча ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ бўлган ариза, шикоят ва таклифларни кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Жорий йилнинг 30 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг виртуал қабулхонаси (кейинги ўринларда виртуал қабулхона деб юритилади) интернет тармоғининг vazir.uzedu.uz веб-сайти орқали ишга туширилсин.

2. Виртуал қабулхона орқали келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш схемаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (М.Ваҳобов), Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А.Хундибаев) виртуал қабулхона учун ажратилган vazir.uzedu.uz веб-сайтнинг доимий ишлашини таъминласин.

4. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари ҳамда давлат педагогика институтлари ректорлари, вазирлик тасарруфидаги республика муассаса ва ташкилотлари раҳбарлари виртуал қабулхона орқали

келган мурожаатларни тааллуқлилиги бўйича ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши учун шахсан масъул этиб белгилансин.

5. Белгилансинки, вазирлик девонхонаси виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, ўз вақтида мурожаатларни кўриб чиқиш учун масъул шахсларга етказиш, мурожаатлар юзасидан тайёрланган жавоб хатларини мурожаат эгаларига юбориш бўйича масъул ҳисобланади.

6. Назорат ва таҳлил бошқармаси (К.Иноқов), Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га:

виртуал қабулхона орқали келиб тушган мурожаатлар билан ишлашни мувофиқлаштириб бориш;

виртуал қабулхона ишга туширилганлиги ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни доимий равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш ҳамда вазирлик биносининг кириш қисмига махсус ахборот стендларини ташкил этиш;

ҳар икки ҳафтада виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатларнинг мазмунан таҳлили бўйича раҳбариятга маълумот киритиб бориш вазифалари топширилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари ҳамда давлат педагогика институтлари ректорлари, вазирлик тасарруфидаги республика муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига:

2017 йилнинг 30 январига қадар Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров) билан ҳамкорликда жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг халқ таълими тизимига оид мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида ўз виртуал қабулхоналарини ташкил этиш;

бажарилган ишлар бўйича 2017 йил 30 январга қадар Назорат ва таҳлил бошқармасига маълумотларни тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

8. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

Халқ таълими вазирининг 2016 йил
6 декабрдаги 278-сонли
буйруғига илова

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг виртуал қабулхонаси орқали
келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

БОСҚИЧ	ТАДБИР НОМИ	БАТАФСИЛ	МУДДАТИ	МАСЪУЛЛАР
1-босқич	Виртуал қабулхонага мурожаат юбориш	Мурожаатни юбориш: vazir.uzedu.uz виртуал қабулхона орқали	Заруратга кўра	жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари ёки уларнинг ваколатли вакили
2-босқич	Мурожаатни қабул қилиш	1. Виртуал қабулхона ахборот тизимига келиб тушган электрон мурожаатни руйхатдан ўтказиш 2. Мурожаат бўйича ижрочини ва ижро муддатини белгилаш	1 иш кунida 1 иш кунida	Девонхона Вазир, вазир ўринбосарлари
3-босқич	Мурожаатни ижрочига юбориш	1. Раҳбар топшириғига асосан электрон мурожаатни ижрочиларга етказиш 2. Ижрочилар томонидан электрон мурожаатни кўриб чиқиш бошланганини на-зорат қилиш	1 иш кунida	Девонхона Бошқарма, бўлим бошлиқлари

4-босқич	Мурожаат бўйича тегишли иш-ларни амалга ошириш ҳамда мурожаатчига жавобни йўллаш	1. Бошқарма ёки бўлимдан масъул иж-рочини белгилаш. 2. Мурожаат юзасидан тегишли ўрганишларни амалга ошириш, жоиз бўлганда жисмоний шахслар ва юри-дик шахслар вакилларини қабул қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва жоиз бўлганда мурожаатчидан эътироз йўқлиги тўғрисида маълумотнома олиш. 3. Қўшимча ўрганиш ва текшириш та-лаб этилса, мурожаат этувчини хабар-дор қилган ҳолда мурожаат муддатини узайтириш юзасидан Девонхонага ёзма сўров жўнатиш. 4. Ўрганишлар натижаси бўйича жавоб хатини тайёрлаш. 5. Тегисли бошқарма, бўлим бошлиғи томонидан имзолангандан сўнг раҳба-рияга имзога киритиш. 6. Мурожаатни назоратдан олиш учун ижрочи томонидан асосли тулланган ҳужжатлар жамлашиб сканер қилинади ҳамда келиб тушган мурожаатлар остига бириктириш. 7. Раҳбарият томонидан имзоланган жавоб хатини Девонхона томонидан виртуал қабулхонага жойлаштириш ҳамда анъанавий усулда мурожаатчига йўллаш.	Белгиланган муддатларда Белгиланган муддатларда Жавоб хати тайёр бўлиши билан Хат имзолангандан сўнг	Бошқарма, бўлим бошлиқлари Масъул ижрочи Масъул ижрочи Девонхона
----------	--	---	--	--

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 10 декабрь

281-сонли

Б У Й Р У Қ И**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ
МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ШАКЛИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА
ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги 234-сон қарори билан тасдиқланган Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги низомда белгиланган вазифаларни амалда сифатли бажарилишини таъминлаш, халқ таълими соҳасида фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог ходимлар малакасини масофавий таълим шаклини қўллаган ҳолда оширишни (бундан буён матнда масофадан малака ошириш деб юритилади) такомиллаштириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Халқ таълими ходимларининг масофадан малакасини ошириш тўғрисидаги низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (Н.Рахмонкулова)га:

бир ой муддатда Низомни амалиётга жорий этиш масалалари юзасидан ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари масъул ходимлари иштирокида ўқув-семинар ташкил этиш;

масофадан малака ошириш ўқув материалларини ишлаб чиқишга, ўқув фаолияти учун тингловчи тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ўқув жараёнида юритиладиган ҳужжатлар сифатини яхшилаш чораларини кўриш;

масофадан малака оширишни такомиллаштиришга қаратилган мониторингни йўлга қўйиш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари ректорларига:

марказий институтда ўтказиладиган ўқув-семинарда бир нафар малака ошириш масалаларига масъул методист, масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштириш маркази раҳбари ва бир нафар малакали тьютор (ўқитувчи-консультант)нинг иштирок этишини таъминлаш;

масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштириш маркази фаолиятини танқидий ўрганиш, ажратилган штат бирликларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, фаолият кўрсатаётган ходимлар таркибини қайта кўриб чиқиш, масофадан малака ошириш учун етказиб берилган компьютер, мебель ва бошқа жиҳозлардан мақсадли фойдаланиш, моддий-техник базани янада яхшилаш чораларини кўриш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 июндаги 134-сон қарори билан тасдиқланган Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Таълим секторини ривожлантириш дастури” лойиҳаси доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан жиҳозланган 70 та масофадан ўқитиш таълим ресурс мактаблари имкониятларидан самарали фойдаланиш;

ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича мунтазам ўқув-семинарлари ташкил этиш орқали масофадан малака ошириш ўқув фаолияти учун ўқитувчи-ходимларнинг тайёргарлиги ва лаёқати даражасини яхшилаш чораларини кўриш вазифалари топширилсин.

4. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев) га:

масофадан малака оширишни мувофиқлаштириш, таълим сифати бўйича назоратни амалга ошириш, соҳанинг муҳим масалалари бўйича А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти билан ҳамкорликда масъул ходимлар иштирокида ўқув-семинарлар ташкил қилиш;

мазкур буйруқ иловасидаги ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши, белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан мониторинг олиб бориш ҳамда бажарилган ишлар юзасидан вазирлик раҳбариятига ахборот киритиш вазифалари юклатилсин.

5. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2013 йил 19 апрелдаги 139-сонли буйруғининг 2-иловаси ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Данияров зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

*Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигининг
2016 йил 10 декабрдаги
281-сон буйруғига ИЛОВА*

**Халқ таълими ходимларининг
масофадан малакасини ошириш тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сон ҳамда 2014 йил 15 августдаги “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 234-сон қарорига мувофиқ халқ таълими ходимларининг масофадан малакасини оширишни ташкил этиш ва олиб боришни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоида

1. Масофадан малака ошириш А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (кейинги ўринларда Марказий институт деб юритилади) таркибидаги масофадан ўқитишни ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда МЎРМ деб юритилади), халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари (кейинги ўринларда Ҳудудий институт деб юритилади) таркибидаги масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштириш маркази (кейинги ўринларда МЎХММ деб юритилади) ҳамда ҳудудларда 70 та масофадан ўқитиш таълим ресурс мактаблари (кейинги ўринларда МЎТРМ деб юритилади) орқали жорий этилади.

2-боб. Масофадан малака ошириш принциплари

2. Халқ таълими ходимларининг масофадан малакасини ошириш – бу малака ошириш мақсадини рўёбга чиқариш, тингловчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштириш жараёнига масофадан ўқитиш технологиялари интеграциялаштирилган таълим шакли бўлиб, унинг принциплари қуйидагилардан иборат:

1) қулайлик ва тезкорлик – ўқув материалларидан тингловчи ўзи учун қулай жойда, қулай шароитда, қулай вақтда фойдаланиши, маълумотларни тезкор излаш ва топиш, ахборот алмашиш имконияти;

2) тенглилик – тингловчиларнинг яшаш ва иш жойларининг ҳудудий институтларга нисбатан жойлашуви, ижтимоий шароитлари, оилавий ва жамоатчилик олдидаги вазифалари ҳамда мутахассислигидан қатъий назар малака ошириш имкониятларининг бир хиллиги;

3) иқтисодий самаралилик – яратилган шароитлар, техник, технологик имкониятлар ва моддий базадан самарали фойдаланган ҳолда малака ошириш тизими ҳамда иштирокчилари харажатларини камайтириш;

4) иш фаолиятидаги узлуксизлик – умумтаълим мактаби ўқув-тарбия жараёнида сифатли билим бериш ҳамда билим олиш учун йўналтирилган ҳаракатлардаги узилишларнинг олдини олиш каби.

3-боб. Масофадан малака ошириш мақсади ва вазифалари

3. Масофадан малака оширишнинг мақсади таълимни ахборотлаштириш орқали юзага келаётган шарт-шароитлар, илғор технология ва ускуналардан фойдаланиб ўқув жараёнини тингловчиларнинг иш ва яшаш жойига мумкин қадар яқинлаштириш, малака ошириш таълим муассасалари илмий-методик имкониятларини кучайтириш ва тизимлаштиришдан иборат.

4. Масофадан малака оширишнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:

1) халқ таълими тизими ходимлари малакасини ошириш бўйича белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш;

2) малака оширишни халқаро тенденцияларга мослигини таъминлаш;

3) очиқ таълим муҳитини юзага келтириш;

4) масофавий ва анъанавий ўқитиш шакллари интеграциялаш орқали ўқув мазмунининг вариативлигига эришиш;

5) малака оширишни амалиёт билан боғлиқ тарзда ва ўзаро ҳамкорликка асосланиб олиб борилиши, тингловчиларнинг асосий иш жойларидаги фаолиятлари ва мактабдаги ўқув жараёни барқарорлигини сақлашда қўмаклашиш;

6) тингловчиларнинг меҳнат фаолияти учун ижобий шарт-шароит яратиш.

4-боб. Масофадан малака оширишнинг тузилмаси ва уни бошқариш

5. Халқ таълими вазирлиги ўзига белгиланган вазифа ва функциялар доирасида, таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, халқ таълими тизими ходимла-

рининг малакасини ва касб даражасини ошириш ишларини ташкил этишга масъул сифатида:

масофадан малака оширишни мувофиқлаштиради ва таълим сифати бўйича назоратни амалга оширади;

масофадан малака ошириш учун намунавий ўқув режалар ва ўқув дастурларини тасдиқлайди;

масофадан малака ошириш курсларидан ўтадиган ходимларнинг прогноз контингентини белгилайди;

масофадан малака оширишнинг муҳим масалалари бўйича кенгашлар, семинарлар ва конференциялар чақиради.

6. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда халқ таълими ҳудудий бошқарув органлари деб юритилади) буюртмачи сифатида:

масофадан малака оширувчи ходимлар контингентини шакллантиради;

масофадан малака ошириш бўйича белгиланган прогноз режанинг бажарилишини таъминлаш чораларини кўради;

масофадан малака оширишнинг ташкил этилиши, ўқув режалари ва дастурларининг мазмуни бўйича таклиф ва тавсиялар беради;

ҳудуддаги МЎТРМнинг самарали фаолиятини йўлга қўяди, уларга фан методистларини бириктиради;

масофадан малака ошираётган ходимларнинг фаолиятини таҳлил қилади, ўқиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яхшилашни таъминлайди;

ўқитувчиларнинг масофадан малака ошириш ўқув фаолияти учун тайёргарлиги ва лаёқати даражасини ошириш бўйича ўқув-семинарларни ташкил қилади, соҳага оид ишларни оммалаштиради.

7. Халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари асосий буюртмачи сифатида:

масофадан малака оширувчи ўқитувчилар учун мақсадли малака оширилишини ташкил этишнинг яқка тартибдаги топшириқларини ёки аниқ йўналтирилган дастурларини тузади, зарур ҳолларда масофадан малака ошириш мазмунига таклифлар тайёрлайди;

малака оширишга эҳтиёж сезадиган ўқитувчилар контингентини белгилайди;

ўқитувчиларнинг масофадан малака ошириш ўқув фаолияти учун тайёргарлиги ва лаёқати даражасини яхшилаш, оммалаштириш, рағбатлантириш орқали масофадан малака оширишга бўлган иштиёқини кучайтириш чораларини кўради;

ўқитувчиларнинг малака ошириш фаолиятларини кузатади ва таҳлил қилиб боради;

тингловчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб, муассасадаги компьютер техникаси, Интернет, тегишли дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш учун шароит яратди;

масофадан малака ошираётган ўқитувчини мактабдаги педагогик фаолиятдан бошқа ишларга жалб қилинмасликни таъминлайди.

8. Марказий институт масофадан малака оширишнинг бош таълим муассасаси ҳисобланиб:

худудий институтлардаги масофадан малака ошириш курсларини амалга оширилишини мувофиқлаштиради ва тарғиб қилади;

масофадан малака ошириш учун намунавий ўқув режа, дастур, ўқув-методик ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

талаб ва эҳтиёж асосида ўз негизида ташкил этиладиган раҳбарлар ва тегишли мутахассисликлар бўйича масофадан малака ошириш курслари учун ўқув материалларини ишлаб чиқади;

худудий институтлар негизида ташкил этиладиган масофадан малака ошириш курслари учун ўқув материаллари ишлаб чиқишни ташкиллаштиради, методик ёрдам беради;

янги ишлаб чиқилган курс материалларининг тажриба-синовини ташкил қилади ва экспертизадан ўтказди;

масофадан малака оширишнинг ташкилий тузилмасини яхшилаш, таркибидаги МЎРМни малакали кадрлар билан таъминлаш, моддий-техник базани яхшилаш чораларини кўради;

масофадан малака оширишда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, мутахассис кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакалари такомиллашувини амалга оширади;

масофадан малака ошириш мониторингини ташкил этади, соҳани такомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифлар тайёрлайди.

9. Худудий институтлар:

намунавий ўқув режа ва ўқув дастурлар асосида масофадан малака ошириш курслари учун ишчи ўқув режа ҳамда ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқади;

талаб ва эҳтиёж асосида тегишли фанлар, мутахассисликлар бўйича масофадан малака ошириш курслари учун ўқув материалларини ишлаб чиқади ҳамда жорий этиш юзасидан Марказий институтга таклиф киритади;

масофадан малака оширишни ташкил этилиши, ўқув режалари ва дастурларининг мазмунига оид таклиф ва тавсиялар тайёрлайди;

таркибидаги МЎХММни малакали кадрлар билан таъминлаш, моддий-техник имкониятларни яхшилаш чораларини кўради;

худуддаги МЎТРМ фаолиятини тартибга солишда халқ таълими худудий бошқарув органларига ёрдам беради, методик таъминлайди;

масофадан малака оширишда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, мутахассис кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакалари такомиллашувини амалга оширади;

тингловчиларнинг курсдан кейинги фаолиятларини қўллаб-қувватлашни амалга оширади ва мувофиқлаштиради, масофадан малака оширишнинг тегишли қисмини такомиллаштиришга қаратилган мониторингни амалга ошириш чораларини кўради;

масофадан малака ошириш курслари бўйича якуний ҳисоботларни тайёрлайди ҳамда Марказий институт ва Вазирликка тақдим этади.

10. МЎТПМ ҳудуддаги халқ таълими ходимларининг масофадан малака ошириш ўқув фаолияти учун тайёргарлиги ва лаёқати даражасини қаратилган ўқувларни ташкил этишда иштирок этади, масофадан малака ошираётган тингловчилар учун муассасадаги мавжуд моддий-техник имкониятлардан фойдаланиш учун шароит яратади.

11. МЎТПМларда узлуксиз методик хизмат кўрсатиш, жумладан, фанлар бўйича ўқитишнинг илғор педагогик усуллари ва тажрибаларни ўрганиш, муҳокама қилиш, намунавий очиқ дарслар ва методик уюшма йиғилишларини ўтказиш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қаратилган мустақил ўқувларни ташкил этиш, таълимга оид сайтларга жойлаштирилган ресурслардан фойдаланиш ишлари йўлга қўйилиши мумкин.

5-боб. Масофадан малака ошириш ўқув жараёни иштирокчилари

12. Масофадан малака ошириш тингловчиси – фаолият кўрсатаётган таълим муассасаси ёки халқ таълими ҳудудий бошқарув органлари томонидан ўтказилган ўқув-тарбия жараёни сифатининг ички назорати ва таҳлили асосида малака оширишга эҳтиёж сезадиган ходимлар контингентига киритилган, касбий билимлар ва кўникмаларни янгилаш ва чуқурлаштириш учун мустақил таълим олувчи шахс.

13. Тьютор (ўқитувчи-консультант) – масофадан малака ошириш ўқув жараёнида тегишли ўқув модули бўйича тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи, методик ёрдам кўрсатувчи, ўқиш ва билиш назоратини амалга оширувчи ҳисобланади.

14. Малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан профессор-ўқитувчилар таркибидан ҳар бир гуруҳ учун ўқув модуллари бўйича алоҳида тьюторлар тайинланади. Мутахассислик фанлари блокадаги “Фаннинг назарияси ва ўқитиш методикаси”, “Фанни ўқитишда педагогик технологиялар”, “Фанни ўқитишда ахбо-

рот технологиялари” ўқув модуллари учун битта тьютор тайинланиши мумкин.

15. Тармоқ ташкилотчилари – МЎРМ, МЎХММ ходимлари ҳисобланади ва улар тегишлилиги бўйича тингловчининг масофадан малака ошириш ўқув фаолияти учун тайёргарлиги ва лаёқати даражасини аниқлаш, курс материалларини доимий тўлдириб боришни ёки янгилашни ташкиллаштириш ва тизимлаштириш, тингловчиларнинг тармоқдаги фаолиятларини кузатиш, баҳолаш, зарур ҳолларда тьюторга ёрдам кўрсатиш, тингловчиларнинг ўқув муҳитида ишлашга мослашувларида амалий ёрдам бериш, курс самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатувчи илғор технологияларни жорий этиш ишларини амалга оширади.

6-боб. Масофадан малака ошириш ўқув жараёнидаги ўқув соатлари ҳажми

16. Масофадан малака ошириш курсларининг тўла дастури унинг порталига жойлаштирилади.

17. Масофадан малака оширишда ўқув жараёни ўқитишнинг 3+1 (ёки 2+2) схемаси (тегишли равишда 75% (ёки 50%) – яшаш жойи бўйича мустақил равишда билим орттириш, 25% (ёки 50%) – бевосита малака ошириш таълим муассасасида ўқиш) бўйича ташкил этилади.

18. Масофадан малака ошириш ўқув юкламаси 108+36 (ёки 72+72) соат тарзида тақсимланади ва улар академик соатлар ҳисобланади. Бунда 108 (ёки 72) соат тингловчининг тармоқ орқали мустақил ўқиш фаолиятини олиб бориши учун, 36 (ёки 72) соат контакт-сессиялар (бевосита юзма-юз мулоқот)даги аудитория машғулотлари учун белгиланади.

19. Масофадан малака ошириш курсининг давомийлиги таълим муассасасида ўқишнинг тегишли курси академик соатларда белгиланади, бунда календарь муддатлар академик муддатлардан ортиқ бўлиши мумкин.

20. Масофадан малака ошириш курсининг давомийлиги ва календарь муддатлари намунавий (таянч) ўқув режаларда кўрсатилади.

21. Масофадан малака оширишнинг намунавий ўқув режасида мустақил ўқиш фаолиятига ажратилган вақт унинг компонентларига қуйидаги тартибда тақсимланади:

ўқув материални ўрганишга – 80-85%;

тармоқ машғулотларида иштирок этиш – 5-10%;

оралиқ назоратларини бажариш – 5-10%.

22. Ҳар бир тингловчи ўқув режа бўйича ўқув материални ўрганиш учун белгиланган соатлар давомида тармоқдаги (ёки курс кейсидаги)

тегишли ўқув материаллари билан танишади ва ўзлаштиради, мавзулар бўйича жорий назорат синовлари топшириқларини бажаради.

23. Тармоқдаги машғулотлар форум, семинар, чат тариқасида, электрон почта, видео ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида амалга оширилиб, унда тингловчи ўқув режадаги тегишли модуллар бўйича синхрон (реал вақт режимида) машғулотлар, бахслар, маслаҳатларда қатнашади.

24. Оралиқ назоратлар учун ажратилган вақтда тингловчи белгиланган тартибда тармоқ орқали тест синови ёки ёзма топшириқларни бажаради.

25. Масофадан малака оширишнинг 36 (ёки 72) соат контакт-сессия машғулотлари тьютор билан бевосита юзма-юз амалга оширилади.

26. Контакт-сессия машғулотлари умумлаштирувчи, йўналтирувчи, истиқболлаштирувчи характер касб этадиган маъруза, амалий машғулот, лаборатория иши, семинар, ишчанлик ўйини, имитация дарси, тажриба алмашиш дарси, тренинг, интерфаол машғулотлар ва бошқа шаклларда олиб борилади.

27. Контакт-сессиянинг битта машғулоти 80 дақиқа давом этадиган дарс жуфтлигидан иборат бўлади.

28. Ҳар бир контакт-сессиялар оралиғидаги муддат 15-25 кун этиб белгиланади.

Бевосита Марказий институт негизида ташкил этилган масофадан малака ошириш курсларида контакт-сессиялар узлуксиз ташкил этилиши мумкин.

7-боб. Масофадан малака ошириш курсларини ташкил этиш

29. Масофадан малака ошириш курслари вазирлик ва халқ таълими ҳудудий бошқарув органларининг (айрим ҳолларда, бевосита таълим муассасалари) буюртмаларига биноан шакллантирилган йиллик режа асосида ташкил этилади.

30. Буюртмачилар томонидан навбатдаги календарь йилда малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича буюртмалар кадрнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, қачон ва қайси ўқув юртини битирганлиги, диплом бўйича мутахассислиги, педагогик стаж, иш жойи, лавозими, охириги марта малака оширган вақти ва малака ошириш курси тоифаси кўрсатилган ҳолда Марказий ва Ҳудудий институтларга етказилади.

31. Марказий ва Ҳудудий институтлар томонидан мазкур буюртмалар асосида масофадан малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича йиллик режа шакллантирилади ва вазирлик томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

32. Буюртмачилар режа асосида ходимларнинг масофадан малака ошириш курслари ташкил этилган таълим муассасаларида рўйхатдан ўтишларини таъминлайдилар.

33. Масофадан малака ошириш курсларига тингловчиларни қабул қилиш жараёнида ходимни курсга юбориш ҳақидаги муассаса (ёки ҳудудий бошқарув идоралари) буйруғи, ходимнинг олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, билвосита таълим шакллари бўйича муваффақиятли шуғулланганлиги тўғрисидаги маълумотнома ўрганилади.

34. МЎХММ ходимларидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан синов асосида тингловчининг масофадан малака ошириш ўқув фаолияти учун тайёргарлиги ва лаёқати даражаси аниқланади.

Тингловчининг масофадан малака ошириш ўқув фаолияти учун тайёргарлиги ва лаёқати даражасини аниқлаш бўйича синов ишини ўтказиш тартиби Марказий институт томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

35. Масофадан малака ошириш ўқув фаолияти учун зарур лаёқатга эга деб ҳисобланган ходимлар тегишли малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан тингловчилар сафига қабул қилинади.

36. Ўтказилган синов натижаларига кўра масофадан малака ошириш ўқув фаолияти учун тайёргарлиги ва лаёқати даражаси қониқарсиз деб баҳоланган тингловчилар масофадан малака ошириш курсларига қабул қилинмайди.

37. Масофадан малака оширишга қабул қилинган тингловчиларга ўқув-методик ашёлар (курс бўйича йўриқнома, ўқув қўлланмалари, яқка тартибдаги топшириқлар, малакавий ишларни бажариш бўйича тавсиялар, электрон мультимедия дарсликлар ва қўлланмалар, шунингдек, бошқа зарур ўқув-методик материаллар жамламаси) жойланган курс кейси (ёки курс кейсининг электрон манзил ҳаволалари) берилади.

38. Тингловчилар ҳақидаги тегишли маълумотлар масофадан малака ошириш порталига жойлаштирилиб, уларга “фойдаланувчи идентификацион коди (UIC)” тақдим этилади.

8-боб. Масофадан малака ошириш ўқув жараёнини олиб бориш

39. Масофадан малака ошириш курсларидаги ўқув жараёни намунавий (таянч) ўқув режа асосида ишлаб чиқилган мақсадли ишчи ўқув режалар бўйича амалга оширилади.

Бунда ўқув блоклари (айрим ҳолларда ўқув модуллари) тартиби, модулларнинг ҳафталик соатлари тақсимооти ўзгартирилиши мум-

кин. Бироқ, мазкур ўзгартиришларда ўқув модулига ажратилган ўқув соатларининг ҳажми сақланиб қолиши, ўқув юкламасининг ҳафталик 14 соат ва кунлик 2-4 соат (контакт-сессиялар даврида 6-8 соат) ҳажмдан ошмаслиги таъминланади.

40. Масофадан малака ошириш курсларидаги ўқув жараёни амалдаги қоидаларга мувофиқ тузиладиган ҳамда малака ошириш таълим муассасаси раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган ўқув-машғулотлар жадвали асосида олиб борилади.

41. Ҳар бир тингловчи ўқув машғулотлари жадвали асосида малака ошириш бўйича шахсий режасини тузади.

42. Машғулотлар жадвали асосида олиб борилган машғулотлар ва ўқув жараёнига тегишли маълумотлар мазкур Низом иловасида келтирилган шаклдаги ўқув журналида қайд этилади.

43. Тингловчилар ўқув материаллини ўрганиш, тармоқ машғулоти ҳамда оралиқ назорат синовларида иштирок этиш фаолиятини МЎТРМларда уюшган ҳолда ёки иш жойида (ёки шахсий имкониятига кўра) яқка тартибда амалга оширадилар.

44. Тармоқ орқали оралиқ назорат синовларидаги тест саволлари сони 15-25 тадан иборат бўлиб, белгиланган максимал баллнинг 70 фоизидан кам натижага эришган тингловчи мазкур оралиқ назоратда етарли балл тўплай олмаган деб ҳисобланади.

Оралиқ назоратларда етарли балл тўплай олмаган тингловчига малака ошириш таълим муассасаси раҳбарининг рухсати билан бир марта қайта топшириш имконияти берилади.

45. Тингловчилар тармоқ машғулотини олиб борилишида фойдаланиладиган алоқа усули ҳақида тармоқ ташкилотчилари томонидан хабардор қилинади.

масофадан малака ошириш дарс жадвалида кўрсатилган вақт давомида тармоқ машғулотлари учун танланган алоқа бўйича боғланмаган тингловчи машғулотда иштирок этмаган деб ҳисобланади.

46. Контакт-сессиядаги машғулотлар тегишли ўқув модули бўйича белгиланган тьютор томонидан дарс ишланмаси асосида амалга оширилади.

Контакт-сессиядаги ҳар бир машғулот асосий ва қўшимча қисмларга ажратиб ташкил қилинади:

асосий қисм маълум мавзу бўйича маъруза, амалий машғулот, лаборатория иши, семинар, ишчанлик ўйини, имитация дарси, тажриба алмашиш дарси, тренинг, интерфаол машғулотлар ва бошқа шаклларда олиб борилади;

қўшимча қисмда тегишли ўқув модули бўйича тингловчининг мустақил ўқиш фаолиятида ўзлаштирилиши қийин мавзулар (ёки унинг элементлари) билан ишлаш, мустақил ўқиш фаолияти юзасидан тинглов-

чиларда юзага келаётган саволларга жавоб бериш, жорий ва оралиқ синовларнинг тахлили ҳамда қўшимча материаллар тақдим этилади.

47. Контакт-сессиядаги машғулотлар тегишли малака ошириш таълим муассасасининг ўқув аудиториясида ўтказилади.

Агар битта гуруҳдаги барча тингловчиларнинг иш ва яшаш жойлари битта ҳудуддаги МЎТРМга яқин жойлашган бўлса, уларда малака ошириш таълим муассасаси билан келишилган ҳолда кўча контакт-сессия машғулотларини ташкил этиш ёки бундай машғулотларни видеоконференция шаклида амалга ошириш мумкин.

48. Масофадан малака ошириш курсларининг машғулотлар жадвалини тузиш, контакт-сессиялар самарадорлигини ошириш, ўқув журналларини тўлдириш ва ўқув юкламалар ҳисобини юритиш ишлари бевосита МЎРМ (МЎХММ) томонидан олиб борилади.

9-боб. Тингловчиларнинг ўқув фаолиятларини баҳолаш ва хулосалаш

49. Тармоқ ташкилотчилари ва бириктирилган тьюторлар томонидан тингловчиларнинг ўқув фаолиятлари бутун курс давомида ўрганиб борилади ва ҳар бир курс якунида тингловчилар фаолияти юзасидан умумий хулоса тайёрланади.

50. Умумий хулоса МЎРМ хулосаси ва МЎХММ ички хулосасидан иборат бўлади. МЎХММ томонидан ички хулоса курс тугагандан сўнг бир кун ичида тайёрлаши ва маълумот учун МЎРМга тақдим этилиши, МЎРМ хулосаси уч кун ичида тайёрланиб, электрон шаклда ҳудудларга етказилиши шарт.

51. Агар ўрганиш даврида қуйидаги ҳолатлардан бири аниқланса, тингловчи фаоллиги “паст даража” деб ҳисобланади ва бу ҳақида умумий хулосада қайд этилади:

“тингловчиларнинг фаолияти мониторинги тизими” орқали олинган ҳисоботга кўра тингловчи битта ўқув модулига тегишли барча мавзулар бўйича ўқув материаллари билан мустақил тарзда танишмаган, мавзулар бўйича белгиланган жорий назорат синовларидаги топшириқларни бажармаган бўлса;

“билимни назорат қилиш тизими” орқали олинган ҳисоботга кўра ҳар бир оралиқ назоратлардаги тест синовларида максимал балнинг 70 фоизидан кам натижага эришган бўлса;

“интерфаол ҳамкорлик тизими”дан олинган ҳисобот ёки тьютор ҳисоботларига ҳамда ўқув журналидаги қайдларга кўра 6 соатдан ортиқ тармоқ ҳамда контакт-сессия машғулотларида иштирок этмаган бўлса.

Оқоридаги ҳолатлар кузатилмаган тингловчилар фаолияти “фаол даража” ёки қисман кузатилган тингловчилар “ўрта даража” кўрсаткич билан баҳоланади.

52. Умумий хулосада тингловчи фаолиятида “паст даража” кўрсаткични қайд этилиши унинг ўқув фаолиятини “қониқарсиз” деб топилишига сабаб бўлади.

53. Хулосани тайёрлаш жараёнининг адолатли, очиқлик, ошқо-ралик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида ўтказилганлиги, ундаги маълумотларнинг тўғрилигига тегишли равишда МЎРМ ва МЎХММ мудирлари шахсан масъул ҳисобланади.

54. Умумий хулоса масофадан малака ошириш курсининг ўқув журнали билан бирга сақланади.

55. Умумий хулосанинг ижобий бўлиши тингловчининг якуний на-зоратга қўйилиши учун асос бўлади.

10-боб. Масофадан малака ошириш курсларида якуний назоратни ташкил қилиш

56. Масофадан малака ошириш курс тингловчилари малака оши-риш таълим муассасаси томонидан тавсия этиладиган, ўқув режа-нинг мутахассислик фанлари блокига тегишли мавзулар бўйича ма-лака ишини тайёрлайдилар.

57. Тингловчиларнинг малака ишини тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиш вазирлик томонидан тасдиқланган тартиб асосида ташкил этилади.

58. Тингловчи малака ишини тайёрлаш бўйича тайинланган раҳбардан тармоқ орқали тегишли консультация олган ҳолда мала-ка оширишнинг белгиланган муддати якунланишига камида уч ҳафта муддат қолгунга қадар малака ишини тақриз учун масофадан малака ошириш порталига жойлаштиради.

59. Умумий хулосага кўра ўқув фаолияти қониқарсиз деб топил-ган ёки ўз муддатида малака ишини тақдим этмаган ёки тақриздаги тегишли камчиликларни бартараф этмаган тингловчилар якуний на-зоратга қақрилмайди ва ўз навбатида уларга курсларни тамомла-ганлик тўғрисида Давлат намунасидаги ҳужжат (сертификат) берил-майди.

60. Ҳар бир курс якунида ўрнатилган тартибда тасдиқланган тинг-ловчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисида низом асосида якуний назорат ташкил этилади.

61. Якуний назорат куни тармоқ ташкилотчилари томонидан тинг-ловчиларнинг тармоқдаги фаолияти, курс элементлари билан ишла-ши очиқ синов ўтказилади.

Синов натижалари қайдномасига мувофиқ далолатнома расмий-лаштирилади ва ижобий баҳоланганлар якуний назоратга қўйилади.

62. Масофадан малака ошириш курси дастурини тўлиқ ўзлаш-тирган ва якуний назоратдан мувафақиятли ўтган тингловчиларга Давлат намунасидаги хужжат (сертификат) берилади.

63. Масофадан малака оширишда тингловчи қуйидаги сабаблар-га кўра тингловчилар сафидан четлаштирилади:

малака ошириш курсидаги дарс машғулотлари белгиланган муд-датларда ўзлаштирмаганлиги ва тегишли ўқув топшириқларни ба-жармаганлиги учун, оралиқ назорат турларини топшира олмагани учун;

тармоқда ишлаш ва ўқув интизомини, ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

контакт-сессия ва тармоқ орқали машғулотларни узрли сабаблар-сиз 6 соатдан ортиқ қолдиргани учун;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асоси-да);

тингловчи суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муно-сабати билан;

вафот этганлиги сабабли.

64. Тингловчи масофадан малака ошириш курсидан четлатил-ганда унга сабаблари кўрсатилган ҳолда маълумотнома берила-ди, шунингдек, бу ҳақда уни малака оширишга юборган буюртмачи ташкилотга малака ошириш таълим муассасаси томонидан маълум қилинади.

Масофадан малака ошириш курсидан четлатилган ёки якуний на-зоратдан ўта олмаган тингловчи бир йил ичида буюртмачи ташкилот томонидан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши тарти-бида малака оширишга қайта юборилади.

Масофадан малака оширишга қайта юборилган ходим малака ошириш курсидан четлатилган ёки якуний назоратдан ўта олмаган тақдирда унинг иш фаолиятини давом эттириши масаласини кўриб чиқиш тўғрисида ходим билан меҳнат шартномаси тузган ташкилотга малака ошириш таълим муассасаси томонидан ёзма равишда маъ-лум қилинади.

65. Якуний назорат жараёнини адолатли, очиқлик, ошкоралик ва ўзаро ҳурмат принциплари асосида ўтказилишига малака ошириш таълим муассасаси раҳбари шахсан масъулдир.

11-боб. Масофадан малака оширишда ўқув ва педагогик юкламалар

66. Контакт-сессиянинг битта машғулотини олиб борганлиги учун тьюторга ўқув ишлари сифатида икки соат, ушбу машғулотга тайёр-

гарлиги учун илмий-методик иш сифатида икки соат иш ҳажми қайд этилади.

67. Ўқув режага кўра бир соат олиб борилган тармоқ машғулоти учун тьюторнинг ўқув юкламасига бир соат миқдорда ўқув ишлари, ушбу машғулотга тайёргарлик учун илмий-методик иш сифатида тўрт соат иш ҳажми ҳисобланади.

68. Ўқув фани бўйича ўқув режада кўзда тутилган оралиқ назоратларни ташкил қилиш ва баҳолаш учун тьюторнинг ўқув юкламасига битта тингловчи учун 0,1 соатдан кўшилади.

69. Малака ишига раҳбарлик қилиш, малака иши тақризини тайёрлаш, якуний тест синовлари ва малака иши ҳимоясида иштирок этиш аудитория соатларидан ташқари вақтларда амалга оширилади ҳамда уларга ажратиладиган соатлар миқдори амалдаги ўрнатилган тартибда ҳисобланади ва профессор-ўқитувчининг ўқув юкламаси таркибига киритилади.

70. Масофадан малака ошириш курсларига тьютор этиб белгиланган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув ва педагогик юкламалари шахсий иш режаларига киритилади.

12-боб. Масофадан малака ошириш бошқарув порталига қўйиладиган талаблар

71. Мустақил ўқиш фаолияти махсус тайёрланган масофадан малака ошириш портали (кейинги ўринларда Портал деб юритилади) орқали олиб борилади.

72. Порталда ҳар бир фойдаланувчига Интернет тармоғи орқали ишлаш имконияти яратилиб, унда қуйидаги тизимлар мавжуд бўлади: идентификациядан ўтиш тизими (парол ва логин орқали фойдаланувчини аниқлаш);

фойдаланувчиларни бошқариш тизими;

фойдаланувчи учун қулай навигация тизими;

қидириш тизими;

билимни назорат қилиш тизими;

тингловчиларнинг фаолияти мониторинги тизими;

интерфаол ҳамкорлик тизими;

ўқув-ташкилий ахборотлар тизими (дарс жадвали, хабарлар, синов вақти ва бошқалар);

рўйхатдан ўтиш тизими (чекланган режимда);

тингловчи лаёқатини оширишга оид очиқ ўқув материаллари;

ҳисоботлар тизими ва бошқалар.

73. Порталда фойдаланувчилар, уларнинг фаолиятлари ва ўқув жараёнига тегишли ахборотлар, ўқув материалларидан иборат муҳофазаланган маълумотлар омбори бўлиши талаб этилади.

74. Портални бошқариш МЎРМ томонидан олиб борилади ва унда фойдаланувчиларнинг фаолиятлари учун зарур шароит яратилади.

75. Худудий институтлар томонидан масофадан малака ошириш курслари учун мустақил Портал ишлаб чиқилган ҳолларда, у МЎРМ ва Мультимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази мутахассислари томонидан экспертизадан ўтказилади.

76. Марказий институт экспертиза натижаларига кўра ижобий баҳоланган мустақил Порталдан фойдаланишга рухсат бериш таклифини вазирликка киритади.

77. Ўрнатилган талабларга мос бўлган мустақил Порталдан фойдаланиш вазирлиқнинг ёзма рухсати билан амалга оширилади ва портал бошқаруви уни ишлаб чиққан Худудий институтга берилади.

78. Мустақил Порталга эга Худудий институтлар ўқув жараёнини МЎРМ томонидан тўлиқ кузатиш ва назорат қилиш учун зарур имконият яратади.

13-боб. Масофадан малака ошириш курслари сифатини баҳолаш ва назорат қилиш

79. Халқ таълими ходимларининг масофадан малакасини ошириш курслари сифатини назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

вазирлик томонидан тасдиқланган низом асосида малака ошириш таълим муассасаси томонидан амалга ошириладиган ички назорат (кириш тести орқали дастлабки назорат, ўқитилаётган фан модуллари бўйича жорий, оралиқ назорат ва бошқалар);

курснинг ўқув режасидаги ўқув модуллари бўйича якуний тест синовлари ва малака иши ҳимоясини ўз ичига оладиган якуний назорат;

Вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан аттестация ва тезкор диагностика шаклида амалга ошириладиган ташқи назорат.

80. Малака ошириш таълим муассасалари томонидан илмий-техникавий ва ташкилий-ижтимоий инновациялар хусусиятларидан келиб чиқиб, соҳани такомиллаштиришга қаратилган мониторинг йўлга қўйилади.

14-боб. Якунловчи қоида

81. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

*Халқ таълими ходимларининг масофадан
малакасини ошириш тўғрисида низомга
илова*

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI**

**A.Avloniy nomidagi xalq ta'limi xodimlarini qayta
tayyorlash va malakasini oshirish markaziy instituti**

Masofadan o'qitishni rivojlantirish markazi

O'QUV JURNALI

Kurs nomi _____

Malaka oshirish toifasi shifri _____

20____ yil _____

O'QUV JURNALINI YURITISH HAQIDA KO'RSATMA

1) O'quv jurnali o'quv reja va dasturning bajarilishini aks ettiruvchi, o'quv mashg'ulotlarini hisobga olish bo'yicha asosiy hujjat hisoblanadi.

2) O'quv jurnali bitta guruh uchun mo'ljallangan bo'lib, uning bosh sahifasi va 3-betlariga institutning to'liq nomi, institut rejasida ko'zda tutilgan (XTV tomonidan tasdiqlangan malaka oshirish toifasining nomi (guruh raqami bilan birga) va malaka oshirish toifasi shifri to'liq yoziladi.

3) Masofadan o'qitishni rivojlantirish Markazi (MO'RM) yoki Masofadan o'qitishning hududiy muvofiqlashtirish Markazi (MO'HMM)ning guruhga mas'ul etib belgilangan xodimi mazkur guruhda kontakt-sessiya hamda tarmoq mashg'ulotlarini olib boruvchi tyutorlarga o'quv jurnalini yetkazadi va ularga tinglovchilar davomati, o'tilgan mavzuga oid ma'lumotlarni o'z vaqtida jurnalda qayd etilishi, jurnaldagi belgilangan kataklarga shaxsiy imzo qo'yishlarini eslatadi.

4) Jurnaldagi barcha yozuvlar siyohli yoki havorang sharikli ruchkada aniq va ehtiyotkorlik bilan yozilishi shart. Hech qanday o'chirib yoki bo'yab tuzatishlarga yo'l qo'yilmaydi. Agar xatolik yuzaga kelsa, ushbu xatolik ustiga qizil rangli siyoh bilan chiziladi va yoniga to'g'ri yozuv kiritiladi. Mazkur tuzatishlarga mashg'ulot o'tgan tyutor yoki o'quv jarayonini tashkil etish bo'limi xodimlari tomonidan izoh berilib, imzo qo'yiladi.

5) Jurnalning 4-, 6-, 8-, 10-, 15-betlariga tinglovchilar ro'yxati institutning "Tinglovchilarni kurslarga qabul qilish to'g'risida"gi buyrug'idagi tartib bo'yicha kurs mas'uli tomonidan yoziladi.

6) Jurnalning 4-, 5-betlariga guruhdagi tinglovchilar haqidagi ma'lumotlar aks ettiriladi.

7) Jurnalning 6-betida "Kontakt-sessiya mashg'ulotlari" KSga tinglovchilarning qatnashishi haqidagi ma'lumotlar aks ettiriladi. Bunda tinglovchilarning mashg'ulotlardagi davomati quyidagicha qayd etiladi: agar tinglovchi mashg'ulotda qatnashayotgan bo'lsa, u holda hech qanday belgi qo'yilmaydi; agar tinglovchi mashg'ulotda uzrsiz qatnashmayotgan bo'lsa, u holda "y" (yo'q) belgisi qo'yiladi; agar tinglovchi mashg'ulotda uzrli sababga ko'ra qatnashmayotgan bo'lsa, u holda "y" belgisi doiraga olib qo'yiladi (izoh: institut rektoratining yozma ruxsati yoki boshqa hujjatlar mavjud bo'lgandagina uzrli deb topish mumkin).

8) 7- va 9-betga tyutor o'tilgan mashg'ulot soatni to'g'ri qo'yishi, mashg'ulot sanasi va juftlik tartibi, modul raqamini (modulning XTV tomonidan tasdiqlangan tayanch o'quv rejasidagi raqami) qayd etishi, tinglovchilarning dars mashg'ulotidagi ishtiroki va o'tilgan mashg'ulotni tasdiqlash maqsadida belgilangan katakka shaxsiy imzosini qo'yishi shart.

9) 7-betda mavzuni alohida ajratilgan katakga, aniq va tushunarli qilib yoziladi, bir mavzuni 2-3 ta kataklarga yozilishiga yo'l qo'yilmaydi.

10) Jurnalning 8-betida "Tarmoq mashg'ulotlari" (TM)ga tinglovchilarning qatnashishi haqidagi ma'lumotlar aks ettiriladi. Bunda jadvalning yuqori qis-

midagi "vaqt" katagiga TM boshlangan va tugagan vaqti yoziladi (masalan, "b.v.- 1600", "t.v.- 1720"). Agar tinglovchi mashg'ulotda qatnashayotgan bo'lsa, u holda guruh jurnaliga "+", faol ishtirok etsa "+F" belgisi, mashg'ulotda qatnashmayotgan bo'lsa, u holda "y" (yo'q) belgisi qo'yiladi.

11) 9-betga tyutor tomonidan mashg'ulotning boshlanish va tugash vaqti, mashg'ulot shakli (onlayn: forum, chat, video aloqa kabi) ko'rsatilib, mashg'ulotning borishi va tinglovchilarga berilgan konsultasiyalar, savol-javoblar haqida qisqacha ma'lumotlar yoziladi.

12) Jurnalning 10-11-betlarida "Oraliq nazorat" (ON)dagi tinglovchilarning natijalari qayd etiladi. Bunda jadvalning yuqori qismida ONning "boshlanish sanasi" va "tugash sanasi" o'quv jadvali asosida yoziladi (masalan, bosh.sana "02.11", tug.sana "07.11"). Har bir tinglovchining ON natijalari tegishli kataklarda qayd etiladi. Agar tinglovchi ONda ishtirok etmagan bo'lsa, u holda "y" (yo'q) belgisi qo'yiladi. Ushbu betlardagi ma'lumotlar tarmoqdagi hisobotlar asosida kurs mas'uli tomonidan to'ldiriladi va imzolanadi.

13) Jurnalning 12-13-betlarida "O'quv materialini o'rganish" (O'M) bo'yicha tinglovchilarning faoliyatlari qayd etiladi. Bunda jadvalning yuqori qismida O'Mning "boshlanish xafta sanasi" va "tugash xafta sanasi" o'quv jadvali asosida to'ldiriladi (masalan, **b.hafta.s** "02.11", **t.hafta.s** "07.11"). Har bir tinglovchining O'Mdagi faoliyatlari haqida har xafta yakunida tegishli qaydlar yoziladi. Agar tinglovchi belgilangan xaftada tarmoqda faoliyat ko'rsatmayotganligi aniqlansa, ushbu hafta katagiga "y" (yo'q) belgisi qo'yiladi. Eslatma, ushbu belgi umumiy xulosaning salbiy bo'lishiga sabab bo'lmaydi. Ushbu betlardagi ma'lumotlar tarmoqdagi hisobotlar asosida kurs mas'uli tomonidan to'ldiriladi va imzolanadi.

14) 14-bet tinglovchilarning malaka ishlariga rahbarlik va taqrizchilar to'g'risidagi ma'lumotlar uchun ajratilgan.

15) 15-betga o'tkazilgan yakuniy nazorat (test-sinov)lari va malaka ishi himoyasidagi ballar ko'chiriladi.

16) 16-betning "Malaka ishiga rahbarlik soatlari" qismiga mazkur guruhdagi tinglovchilarning malaka ishlariga rahbarlik va ularning soati qayd etiladi. Bir tinglovchining malaka ishiga rahbarlik qilish 1 soat hisoblanadi. Masalan, M.Qobilov mazkur guruhdagi 8 nafar tinglovchining malaka ishiga rahbar bo'lgan bo'lsa, unga 8 soat qo'shimcha soat yoziladi. Mos ravishda rahbarning shaxsiy imzosi olinadi.

17) 16-betning "Malaka ishiga taqrizchilik soatlari" qismiga mazkur guruhdagi tinglovchilarning malaka ishlariga taqrizchilar va ularning soati qayd etiladi. Bir tinglovchining malaka ishiga taqrizchilik qilish 1 soat hisoblanadi. Masalan, A.Xolboyev mazkur guruhdagi 8 nafar tinglovchining malaka ishiga taqrizchi bo'lgan bo'lsa, unga 8 soat qo'shimcha soat yoziladi. Mos ravishda taqrizchining shaxsiy imzosi olinadi.

18) 16-betning "Malaka ishi himoyasida ishtirok etish soati" qismiga mazkur guruhdagi tinglovchilarning malaka ishlari himoyasi davrida ishtirok etgan va baholagan professor-o'qituvchilar (komissiya a'zolari) va ularning soati qayd etiladi. Bir guruhda himoya ishlarining 2-3 soat davom etishi, ka-

mida 3 kishidan iborat komissiya a'zolarining unda ishtirok etishidan kelib chiqib, umumiy soat 5-7 soatni tashkil etishi mumkin. Masalan, K.Qobilov, K.Tursunov, X.Mirpo'latov komissiya a'zosi sifatida guruh tinglovchilarning malaka ishlari himoyasida ishtirok etgan va baholagan bo'lsalar, himoya kamida 2-3 soat davom etgan bo'lsa, komissiya raisiga 3 soat, komissiyaning qolgan a'zolariga 2 soatdan qo'shimcha soat yoziladi. Mos ravishda komissiya a'zolarining shaxsiy imzosi olinadi.

19) 16-betning "Test sinovlarida ishtirok etish soati" qismiga mazkur guruhdagi tinglovchilarning yakuniy nazorat test sinovlarini o'tkazishda ishtirok etgan komissiya a'zolari ro'yxati keltiriladi va ularga ajratilgan soatlar qayd etiladi. Bir guruhda test sinovlarining 3 ta o'quv bloki bo'yicha 3 marta bo'lishi, ularning davom etishi 20-30 minutni tashkil etishi, unda komissiyaning kamida 6-7 nafar a'zolari ishtirok etishidan kelib chiqib, umumiy soat 6-7 soatni tashkil etishi mumkin. Masalan, K.Tursunov, X.Mirpo'latov, L.Bo'ronova, R.Kamolov komissiya a'zosi sifatida guruh tinglovchilarning test sinovlarida ishtirok etgan va baholagan bo'lsalar, ularning har biriga 1 soatdan qo'shimcha soat yoziladi. Mos ravishda komissiya a'zolarining shaxsiy imzosi olinadi.

20) Kurs yakunida 17-betga professor-o'qituvchilarning mazkur guruhda bajargan o'quv yuklamalari jurnalning 7-,9-,16-betlaridagi ma'lumotlar asosida to'g'ri va aniq aks ettirilishi lozim. Mazkur ma'lumot professor-o'qituvchilarning o'quv yuklamalarini hisoblash uchun asos bo'ladi.

21) 18-betdagi "O'quv jurnalining yuritilishi holati haqida fikr mulohazalar" bandi institut ma'muriyati va o'quv bo'limi to'ldirib boriladi.

22) 19-betga o'quv va metodik ishlar bo'yicha prorektor, MO'RM mudiri, o'quv bo'limi boshlig'i, kurs mas'uli hamda mazkur kursda asosiy va qo'shimcha dars mashg'ulotlarini olib borgan professor-o'qituvchilar tegishli bo'lgan kafedra mudirlarining imzolari olinadi.

23) MO'RM mudiri yakuniy nazorat sinovlari o'tkazilgandan keyin, 3 kun muddat ichida, o'tilgan dars soatlari haqidagi hisobotni va guruh jurnalini o'quv bo'limiga topshirilishini ta'minlaydi.

24) Institut rektori va uning prorektorlari, o'quv bo'limi xodimlari o'quv jurnalining to'g'ri yuritilishini doimiy ravishda nazorat qilib boradilar.

25) Jurnalning to'g'ri yuritilishini institut rektori buyrug'i bilan tayinlangan Masofadan o'qitishni rivojlantirish Markazi (MO'RM) yoki Masofadan o'qitishning hududiy muvofiqlashtirish Markazi (MO'HMM)ning xodimi (mas'ul) ta'minlaydi.

26) O'quv jurnali qat'iy nazoratdagi hujjat hisoblanib, institutda 5 yil saqlanadi.

O'quv jarayonini tashkil etish bo'limida ro'yxatga olindi.

(M.O')

(imzo)

Kursnomi _____

Malaka oshirish toifasi shifri _____

Reja bo'yicha o'qish muddati _____

Boshlandi _____ **yil**

Guruh tinglovchilari

№	Tinglovchining F.I.SH	Tug'ilgan sanasi	Hudud nomi	Ish joyi	Lavozimi
1					
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
15					
16					
17					
18					
19					
20					
21					
22					
23					
24					
25					

haqida ma'lumot

№	Lavozimga tayinlangan yili	Tugatgan OTM nomi va yili	Diplom seriyasi va raqami	Diplom bo'yicha ixtisosligi	Qayta tayyorlashdan o'tgan yili	Qayta tayyorlashdan o'tgan fani
1						
2						
3						
4						
5						
6						
7						
8						
9						
10						
11						
12						
13						
14						
15						
16						
17						
18						
19						
20						
21						
22						
23						
24						
25						

**Kontakt-sessiya mashg'ulotlariga tinglovchilarning
ishtirokini qayd etish**

№	Oy va kuni															
	Tinglov- chining F.I.SH															
1																
2																
3																
4																
5																
6																
7																
...																
Tyutorning imzosi																

Kontakt-sessiyada o'tilgan mashg'ulotlar to'g'risida ma'lumot

Sana	Juftlik №	Modul №	O'tilgan dars mashg'uloti mavzusi	Mash- g'ulot soati	Mashg'ulotlar olib borgan tyutorning familiyasi, ismi	Imzo

Tarmoq mashg'ulotlariga tinglovchilarning ishtirokini qayd etish

№	Oy kuni vaqt Tinglov- chining F.I.SH						
		b.v.- t.v.-	b.v.- t.v.-	b.v.- t.v.-	b.v.- t.v.-	b.v.- t.v.-	b.v.- t.v.-
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
...							
Tyutorning imzosi							

Tarmoq orqali o'tilgan mashg'ulotlar to'g'risida ma'lumot

Sana	Boshlanish va tugash vaqti	Modul №	Mashg'ulotning bori- shi, tinglovchilarga be- rilgan konsultasiyalar, savol-javoblar haqida qisqacha qaydlar	Mash- g'ulot		Mashg'ulotlar olib borgan tyutorning familiyasi, ismi	Imzo
				shakli	soati		
...							

Oraliq nazoratlari natijalarini qayd etish

№	Oy bosh.sana tug.sana						
	Tinglov- chining F.I.SH						
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
...							
Kurs mas'ulining imzosi							

Oraliq nazoratlari natijalarini qayd etish

№	Oy bosh.sana tug.sana						
	Tinglov- chining F.I.SH						
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
...							
Kurs mas'ulining imzosi							

Mustaqil o'quv materialini o'rganishni qayd etish

№	Oy							
	b.hafta.s							
	t.hafta.s							
	Tinglov- chining F.I.SH							
1								
2								
3								
4								
5								
6								
7								
...								
Kurs mas'ulining imzosi								

Mustaqil o'quv materialini o'rganishni qayd etish

№	Oy							
	b.hafta.s							
	t.hafta.s							
	Tinglov- chining F.I.SH							
1								
2								
3								
4								
5								
6								
7								
...								
Kurs mas'ulining imzosi								

Tinglovchilarning malaka ishlari rahbarlari va taqrizchilari

№	Tinglovchilarning F.I.SH.	Malaka ishi mavzusi	Malaka ishi rahbarining F.I.Sh	Malaka ishi taqrizchisining F.I.Sh
1				
2				
3				
4				
5				
6				
7				
8				
9				
...				

Yakuniy nazorat natijalari

№	Tinglovchining ismi, sharifi	Chiqish testi			Malaka ishi bali
		I blok	II blok	III blok	
1					
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
...					

Qo'shimcha dars soatlari haqida ma'lumot

1. Malaka ishiga rahbarlik soatlari:

1) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
2) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
3) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
4) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
5) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)

2. Malaka ishiga taqrizchilik soatlari:

1) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
2) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
3) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
4) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
5) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)

3. Malaka ishi himoyasida ishtirok etish soati:

1) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
2) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
3) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
4) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
5) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)

4. Test sinovlarida ishtirok etish soati:

1) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
2) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
3) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
4) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
5) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)

5. _____:

1) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
2) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
3) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
4) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)
5) _____	_____	_____
(F.I.SH)	(Soati)	(Imzosi)

**Professor-o'qituvchilarning mazkur kursda bajargan o'quv
soatlari to'g'risida ma'lumot**

№	Familiyasi va ismi	O'quv soatlari		Qo'shimcha soatlar					Jami soatlar
		Kontakt-sessiya mashg'ulotlari soati	Tarmoq mashg'ulotlari soati	Malaka ishiga rahbarlik uchun soati	Malaka ishini taqrizlash uchun soati	Malaka ishining himoya- sida ishtiroki uchun soati	Test sinovida ishtiroki uchun soati		
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
...									

O'quv jurnalining yuritilish holati haqida fikr-mulohazalar

Sana	Fikr va mulohazalar	Tekshiruvchining imzosi
...		

Kurs yakunlangan sana _____
Kursga qabul qilinganlar soni _____
Kursni bitirganlar soni _____

O'quv reja bajarilishi:

Kontakt-sessiya mashg'ulotlari _____
Tarmoq mashg'ulotlari _____
Oraliq nazoratlar _____
Mustaqil o'qish _____
Qo'shimcha soatlar _____

O'quv-metodik

ishlar bo'yicha prorektor _____
(F.I.SH.) (Imzo)

MO'RM mudiri _____
(F.I.SH.) (Imzo)

O'quv JTE bo'limi boshlig'i _____
(F.I.SH.) (Imzo)

Guruh ma'suli (MO'RM yoki
MO'HMM xodimi) _____
(F.I.SH.) (Imzo)

_____ mudiri _____
(F.I.SH.) (Imzo)

_____ mudiri _____
(F.I.SH.) (Imzo)

_____ mudiri _____
(F.I.SH.) (Imzo)

_____ mudiri _____
(F.I.SH.) (Imzo)

_____ mudiri _____
(F.I.SH.) (Imzo)

_____ mudiri _____
(F.I.SH.) (Imzo)

_____ mudiri _____
(F.I.SH.) (Imzo)

Izoh: Mazkur guruhda mashg'ulot olib brogan yoki qo'shimcha o'quv soatlarida ishtirok etgan o'qituvchilarning tegishli kafedra mudirlari imzo qo'yadilar.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 12 декабрь

283-сонли

Б У Й Р У Қ И

**АХБОРОТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ ОЧИҚ ХАЙЪАТ
МАЖЛИСЛАРИДА ҲОЗИР БЎЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг очик ҳайъат мажлисла-рида ҳозир бўлиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2, Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

*Халқ таълими вазирининг
2016 йил 12 декабрдаги
283-сонли буйруғига
илова*

**Ахборотдан фойдаланувчиларнинг
очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, ахборотдан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига асосан, Вазирликнинг фаолияти тўғрисида ахборот излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчи ҳисобланади.

2. Мазкур Низом талаблари Вазирлик томонидан очиқ ҳайъат мажлисида иштирок этиш учун таклиф этилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Вазирлик:

мазкур Низом асосида ахборотдан фойдаланувчиларнинг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартибини белгилаши;

очиқ ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиши лозим.

4. Вазирликнинг ҳайъат мажлислари очиқ тарзда ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Вазирлик ахборотдан фойдаланувчиларнинг танишиб чиқишлари учун бинонинг ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарида ва (ёки) махсус ажратилган жойларида очиқ ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан, мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, вақт, жой ҳамда бошқа зарур ахборотлар, ахборот стендлари ва (ёки) шундай мақсад учун мўлжалланган техник воситаларга мажлис ўтказилишидан камида уч кун олдин жойлаштириши шарт.

**2-боб. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг очиқ ҳайъат
мажлисларида ҳозир бўлиши**

6. Ахборотдан фойдаланувчи Вазирликнинг очиқ ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлиш учун Вазирликка сўров билан мурожаат қилади. Сўров “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.

Ахборотдан фойдаланувчининг идентификациялаш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилмаган сўровлар аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

7. Сўров келиб тушган куни у Вазирлик томонидан алоҳида махсус журналда рўйхатга олинади ва зудлик билан кўриб чиқилади. Мазкур журнал ҳайъат масъул котиби томонидан юритилади.

8. Сўровга асосан ҳайъат масъул котиби ахборотдан фойдаланувчини очиқ ҳайъат мажлисида иштирок этувчилар рўйхатига киритади ҳамда бу ҳақда ахборотдан фойдаланувчига маълум қилади. Очиқ ҳайъат мажлисининг ўтказилиш санаси, вақти ёки жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ахборотдан фойдаланувчига маълум қилинади.

9. Ахборотдан фойдаланувчилар очиқ ҳайъат мажлисига шахси-ни тасдиқловчи ҳужжати асосида киритилади.

10. Ахборотдан фойдаланувчи очиқ ҳайъат мажлисига келмаган тақдирда, ҳайъат масъул котиби томонидан бу ҳақда махсус журналга ёзиб қўйилади.

11. Вазирлик ўз имкониятларидан ҳамда ахборотдан фойдаланувчилар сонидан келиб чиқиб, очиқ ҳайъат мажлиси ўтказиладиган залда ахборотдан фойдаланувчилар учун жой тайёрлайди. Ахборотдан фойдаланувчилар очиқ ҳайъат мажлиси ўтказиладиган залга махсус журналдаги қайд этиш кетма-кетлиги асосида жойлаштирилади.

Ахборотдан фойдаланувчилар сонининг кўплиги сабабли, уларни очиқ ҳайъат мажлиси ўтказиладиган залга жойлаштириш имкони бўлмаган тақдирда, улар очиқ ҳайъат мажлисининг боришини видеоасвир орқали монеликсиз кузатиб боришлари мумкин бўлган хонага жойлаштирилиши мумкин.

12. Вазирлик томонидан ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ахборотдан фойдаланувчилар очиқ ҳайъат мажлисининг боришини видеоасвир орқали монеликсиз кузатиб боришлари мумкин бўлган алоҳида хона жиҳозлаб қўйилиши мумкин.

13. Ахборотдан фойдаланувчилар очиқ ҳайъат мажлиси бошлангунга қадар белгиланган жойга етиб келиши, рўйхатдан ўтиши

ва белгиланган жойга ўтириши лозим. Ахборотдан фойдаланувчилар раислик қилувчи томонидан мажлис бошланганлиги эълон қилингандан сўнг келган тақдирда, кечикиб келган ҳисобланади ва ҳайъат мажлисига қўйилмайди.

14. Ахборотдан фойдаланувчи Вазирлик томонидан тасдиқланган очик ҳайъат мажлисининг регламентида белгиланган тартибда мажлисда ҳайъат аъзоларига саволлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

15. Ахборотдан фойдаланувчи томонидан ҳайъат мажлислари давомида ҳайъат мажлиси муҳокамасига тааллуқли бўлмаган ва ушбу мажлисда муҳокама қилинмаган масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилган ёки саволлар билан мурожаат этилган тақдирда, унга мазкур масала бўйича ахборот олиш тартиби тушунтирилади.

16. Ахборотдан фойдаланувчи ҳайъат мажлиси ўтказилаётган вақтда тартибни бузмаслиги шарт. Ахборотдан фойдаланувчи мажлис ўтказилаётган вақтда тартибни бузган тақдирда, раислик қилувчи томондан огоҳлантирилади.

Ахборотдан фойдаланувчи тартибни такроран бузган тақдирда, у раислик қилувчи томонидан мажлис ўтказилаётган залдан чиқариб юборилади. Мазкур ҳолат юзасидан ҳайъат масъул котиби далолатнома тузади ва далолатнома раислик қилувчи томонидан имзоланади.

17. Ахборотдан фойдаланувчиларга очик ҳайъат мажлисини фотосуратга, видеотасвирга олишга, овоз ёзиш воситаларидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

18. Ҳайъат мажлиси баённомасида очик ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлган ахборотдан фойдаланувчиларнинг иштироки ҳақида тегишли маълумотлар кўрсатилиши лозим.

3-боб. Яқуний қоида

17. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2016 йил 22 декабрь

298-сонли

Б У Й Р У Қ И

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ОИД АХБОРОТНИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ВА АРХИВ МУАССАСАЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Халқ таълими тизимидаги бошқарув органлари фаолиятига оид ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи (К.Иноқов) Халқ таълими вазирлиги фаолиятига оид ахборотни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига тақдим этиш учун масъул этиб белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорлари бир ҳафта муддатда ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари фаолиятига оид ахборотни ҳудудий ахборот-кутубхона ҳамда архив муассасаларига тақдим этиш учун масъул ходим белгилансин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

*Халқ таълими вазирининг
2016 йил 22 декабрдаги
298-сонли буйруғига
ИЛОВА*

**Халқ таълими тизимидаги бошқарув органлари
фаолиятига оид ахборотни ахборот-кутубхона ва архив
муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни (бундан буён матнда ахборот деб юритилади) ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ахборот “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига асосан, вазирлик томонидан тасдиқланган ахборот рўйхатига мувофиқ ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилади, фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот бундан мустасно.

2. Ахборот ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига улардан кейинчалик ахборотдан фойдаланувчилар танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

3. Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқарув органлари ахборотни ахборот-кутубхона ҳамда архив муассасаларига тақдим этиш учун масъул ходимни тайинлайди.

**2-боб. Ахборотни ахборот-кутубхона ва архив
муассасаларига тақдим этиш**

4. Календарь йил тугагандан сўнг, ўтган йилга оид (1 январь – 31 декабрь ҳолатига) ахборотлар акс эттирилган ҳужжатлар жамланиб, уларнинг электрон нусхалари тайёрланади. Бунда:

матн, шу жумладан жадвал, схема ва бошқа матнли маълумотлардан иборат бўлган ҳужжатлар – “PDF” шаклда;

овозли ёзувлар – “WAV” ёки “MP3” шаклда;

видео ёзувлар – “AVI” ёки “MP4” шаклда;

тасвирлар, шу жумладан фотосуратлар – “JPEG” шаклда тайёрланади.

5. Аxbоротларнинг электрон нусхалари аxbорот рўйхатига мос равишда номланган электрон жилдларга жойлаштирилади ва CD ёки DVD дискларга (бундан буён матнда дисклар деб юритилади) ёзилади. Бунда дискларга аxbорот рўйхатига асосан тузилган ва мазкур Низомнинг 1-илоvasига мувофиқ электрон шаклда (“PDF”) расмийлаштирилган ҳолда тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхати (бундан буён матнда ҳужжатлар рўйхати деб юритилади) ҳам ёзилади.

6. Аxbоротлар акс эттирилган дисклар ҳар йили 31 январгача:

вазирлик марказий аппарати томонидан – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига;

худудий халқ таълими бошқаруви органлари томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар аxbорот-кутубхона марказларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ёки вилоятлардаги давлат архивларига ёхуд Тошкент шаҳар давлат архивига кузатув хати орқали тақдим этилади.

7. Аxbорот-кутубхона муассасаси (архив муассасаси) масъул ходими томонидан 5 иш куни ичида тақдим этилган дискларда акс эттирилган аxbоротларнинг ҳужжатлар рўйхати мувофиқлиги, шунингдек, ушбу аxbоротларнинг компьютерда ўқилиш имконияти бирма-бир текшириб чиқилади.

8. Текшириш натижасида дисклардаги аxbоротлар ҳужжатлар рўйхати мувофиқ бўлса, шунингдек, ушбу аxbоротларнинг компьютерда ўқилиш имкони мавжуд бўлса, аxbорот-кутубхона муассасаси (архив муассасаси) масъул ходими ҳамда халқ таълими бошқарув органи масъул ходими томонидан икки нусхада мазкур Низомнинг 2-илоvasига мувофиқ шаклда топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилади.

Далолатнома топширувчи ва қабул қилиб олувчи шахслар томонидан имзоланади ҳамда тегишлича аxbорот-кутубхона муассасаси (архив муассасаси) раҳбари томонидан тасдиқланади ва ташкилотнинг муҳри қўйилади.

Далолатноманинг бир нусхаси аxbорот-кутубхона муассасасида (архив муассасасида) қолади, иккинчи нусхаси эса, халқ таълими бошқарув органи масъул ходимига топширилади.

3-боб. Якуний қоидалар

9. Масъул ходимлар аxbоротларнинг тўғрилиги ҳамда ўз вақтида топширилиши ва қабул қилиб олиниши учун жавобгар ҳисобланади.

Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Халқ таълими тизимидаги бошқарув органлари фаолиятига оид
ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига
тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомага
1-ИЛОВА

(ташкилотнинг номи) (йил) _____ нинг _____ йилга оид фаолияти

тақдим этилаётган ҳужжатлар
РЎЙХАТИ

T/p	Ҳужжат тури ва реквизитлари	Ҳужжат матнига аннотация	CD ёки DVD ҳужжат жойлашган жилд	CD ёки DVD дискда ҳужжат номланган файл	Ҳужжатнинг шакли («PDF», «WAV», «MP3», «AVI» «MP4» ёки «JPEG»)	Ҳужжатнинг ҳажми
1		2	3	4	5	6

Изоҳ:

мазкур рўйхатда ҳужжатлар ахборот рўйхатида мос равишдаги номларда ва кетма-кетликда келтирилади;
1-устунда – бир турдаги ҳужжатлар гуруҳланган ҳолда келтирилади (масалан: буйруқлар, йиғилиш баёнла-
ри, ҳисоботлар ва ҳоказо);
6-устунда – «PDF» шаклдаги ҳужжат – арақда, «WAV», «MP3», «AVI» ва «MP4» шаклдаги ҳужжатлар –
соат, дақиқа, сонияда, «JPEG» шаклдаги ҳужжат – ҳисоб бирлигида (дона) кўрсатилади.

Халқ таълими тизимидаги бошқарув органлари фаолиятига оид ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

ТАСДИҚЛАЙМАН

(қабул қилувчи муассаса раҳбари (лавозими))

(Ф.И.О.)

(имзо)

(сана)

М.Ў.

ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

хужжатларни топшириш-қабул қилиш (санаси)

(топшириш асоси)

(топширувчи ташкилот номи)

(қабул қилиб олувчи муассаса номи)

_____ йилга оид фаолияти тўғрисидаги ахборотлари акс эттирилган CD (DVD) дискни қабул қилиб олди.

Унда қуйидаги ахборотлар (хужжатлар) акс эттирилди:

Т/р	Давлат ҳокимияти ёки бошқаруви органнинг фаолияти тўғрисидаги хужжат тури ва рекевизитлари	Хужжат матнга аннотация	CD ёки DVD дискда хужжат жойлашган жилд	CD ёки DVD дискда хужжат номланган файл	Хужжатнинг шакли («PDF», «WAV», «MP3», «AVI» «MP4» ёки «JPEG»)	Хужжатнинг ҳажми («PDF» – varaқда, «WAV», «MP3», «AVI» ва «MP4» – соат, дақиқа, сонияда, «JPEG» – ҳисоб бирлигида (дона) кўрсатилади)
	1	2	3	4	5	6

Жами қабул қилинган хужжатлар ва ҳисоб бирлиги сони _____

Изоҳ: _____

Топширди:

Қабул қилиб олди:

(топширган шахснинг лавозими ва Ф.И.О.)

(қабул қилиб олган шахснинг лавозими ва Ф.И.О.)

(имзо)

(имзо)

(сана)

(сана)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 30 декабрь

311-сонли

Б У Й Р У Қ И

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА УНИНГ
ТИЗИМИГА КИРУВЧИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР ФАОЛИЯТИ
ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ ОЛИШ УЧУН СЎРОВЛАРНИ ҚАБУЛ
ҚИЛИШ, РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Халқ таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи ташкилот ва муассасалар фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун сўровларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қайта ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлик Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) фуқароларнинг ахборот олишига доир сўровлари билан ишлаш учун масъул этиб белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилот ва муассасалар раҳбарлари:

икки ҳафта муддатда ўзлари ишлаб чиққан норматив ҳужжатларни ушбу буйруққа мувофиқлаштирсин;

бир ҳафта муддатда фуқароларнинг ахборот олишига доир сўровлари билан ишлаш бўйича масъул ходимни белгиласин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Вазир**У. Иноятов**

Халқ таълими вазирлигининг
2016 йил 30 декабрдаги
311-сонли буйруғига
илова

**Халқ таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи
ташкilot ва муассасалар фаолияти тўғрисидаги ахборотни
олиш учун сўровларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва
қайта ишлаш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги қарорига мувофиқ. Халқ таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи ташкilot ва муассасалар (бундан буён матнда халқ таълими органлари деб юритилади) фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун сўровларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қайта ишлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Халқ таълими органлари фаолияти тўғрисида ахборот излаш-ни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчи ҳисобланади.

2. Халқ таълими органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров (бундан буён матнда сўров деб юритилади) ахборотдан фойдаланувчининг халқ таълими органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш ҳақида ушбу органларга ва (ёки) уларнинг мансабдор шахсларига йўлланадиган оғзаки ёки ёзма шаклдаги (шу жумладан электрон ҳужжат шаклидаги) талабидир.

3. Ахборотдан фойдаланувчи халқ таълими органларига уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш учун бевосита ёхуд ўз вакиллари орқали сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

4. “Сўровлар Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасида кўрсатилган талабларга мувофиқ расмийлаштирилиши керак.

5. Ёзма сўровда мурожаат этувчининг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Ёзма сўровда электрон манзилнинг кўрсатилганлиги мурожаат этувчининг сўровга ахборот тизими орқали электрон шаклда жавоб олишга бўлган розилигидир.

6. Қуйидагилар сўров ҳисобланмайди:

жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза, шикоят ҳамда таклифлари:

тақдим этилишининг ўзига хос хусусиятлари бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган, халқ таълими органларининг фаолиятига тааллуқли бўлган ахборотнинг айрим турлари;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг бошқа органларга уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олишга доир сўровлари.

7. Ахборотдан фойдаланувчи томонидан сўралган ахборот қонунда белгиланган тартибда давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, сўровда кўрсатилган ахборотни тақдим этиш рад этилади ва ахборотдан фойдаланувчига асослантирилган жавоб юборилади.

2- боб. Сўровларни қабул қилиш

8. Ахборотдан фойдаланувчи халқ таълими органларига оғзаки ёки ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат шаклида сўров билан мурожаат этиш мумкин. Бунда электрон ҳужжат шаклидаги сўровлар халқ таълими органларининг расмий веб-сайтлари, расмий электрон почта манзиллари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари органлари орқали тақдим этилади.

9. Сўровларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш халқ таълими органи раҳбарининг буйруғи билан белгиланган сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан амалга оширилади.

10. Сўров почта орқали келиб тушганда, сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан конвертда сўров мавжудлиги текширилади.

Конвертда сўровнинг ёки сўровда кўрсатилган иловаларининг мавжуд эмаслиги аниқланганда, сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири (сўров ва у юборилган конверт билан бирга) сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходимда қолади, иккинчиси кузатув хатига илова қилинган ҳолда конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

11. Электрон ҳужжат шаклида сўров тушган кунда қоғозга бо-

сиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса навбатдаги иш кунда қоғозга босиб чиқарилиши керак.

12. Ахборотдан фойдаланувчини идентификациялаш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилмаган сўров аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

13. Сўров аноним деб эътироф этилганда, бу ҳақда ижрочи (ёки ижрочилар) томонидан хулоса тузилади. Хулосада сўровни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Сўровни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан тасдиқланади ҳамда халқ таълими органи раҳбари ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан ижродан олинади.

14. Аввалги сўровлар бўйича юборилган жавобдан норозилик билдирилган, шунингдек, агар такрорий сўров келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги сўров ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир ахборотдан фойдаланувчидан келиб тушган сўров такрорий деб ҳисобланади.

Такрорий сўровга у келиб тушгандан сўнг навбатдаги рўйхат индекси берилиб, Сўровларни рўйхатга олиш журналида ёки электрон ҳужжат айланиш тизимида “такрорий” деб қайд этилади.

15. Айнан бир ахборотдан фойдаланувчининг сўрови нусхаси сўров дубликати ҳисобланади. Халқ таълими органига сўров дубликати (нусхаси) келиб тушган ҳолларда, ушбу сўровга алоҳида тартиб рақами берилмасдан, биринчи марта рўйхатга олинган сўровнинг тартиб рақами ва ундан ўнбош ҳарфда «7Д» белгиси ҳамда сўров келиб тушган сана билан қайд этилади (масалан, сўров биринчи марта 2016 йил 10 мартда 10-1-25 билан рўйхатга олинган бўлиб, сўров дубликати ҳам келиб тушганда, “2016 йил 10 март, 10- 1-25/Д” каби рўйхатга олинади).

3-боб. Сўровларни рўйхатдан ўтказиш

16. Сўров халқ таълими органига келиб тушгандан сўнг, у сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан Сўровларни рўйхатга олиш журналига ёки электрон ҳужжат айланиш тизимида қайд этилади.

17. Сўровларни рўйхатга олиш журнали ёки электрон ҳужжат айланиш тизимида сўров қабул қилинган сана, сўровнинг тартиб рақами, сўров билан мурожаат қилган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, яшаш жойи (юридик шахслар

учун юридик шахснинг тўлиқ фирма номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар, сўровнинг қисқача моҳияти, агар сўров дубликат ёки такрорий бўлса, унинг дубликат ёки такрорийлиги ҳамда сўров ижроси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

19. Ахборотдан фойдаланувчи ўз сўровини у кўриб чиқилгунга қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

4- боб. Сўровларни қайта ишлаш

19. Қабул қилинган ва рўйхатга олинган сўровлар бир иш кунини ичида халқ таълими органи раҳбари ёки унинг ўринбосарига резолюция (сўровни ижро этиш бўйича кўрсатма) қўйиш учун киритилади.

20. Резолюцияда сўровни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинма(лар) раҳбарининг фамилияси, топшириқ мазмунини акс эттирилади ҳамда халқ таълими органи раҳбари ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади ва сана қўйилади.

21. Резолюция ёзилганидан сўнг, сўров сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан сўровни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинма ходимига имзо қўйдирган ҳолда топширилади.

22. Сўровлар “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

23. Сўровлар, билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим мунтазам равишда давлат органида сўровлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, халқ таълими органи фаолияти тўғрисида мунтазам сўралувчи ахборотларни нашр этиш ҳамда бошқа муҳим масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида сўровларни умумлаштириш, уларни мазмунан бирлаштириш ва бошқа шаклларда қайта ишлашни амалга оширади.

5- боб. Оғзаки сўровларни қабул қилишни ташкиллаштириш

24. Халқ таълими органида мазкур халқ таълими органи раҳбари томонидан тасдиқланган график асосида белгиланган кунлар ва соатларда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари-ни қабул қилиш ташкил этилади.

25. Халқ таълими органида ахборотдан фойдаланувчиларни қабул қилиш учун мўлжалланган алоҳида хона ажратилиши мумкин.

26. Ахборотдан фойдаланувчи оғзаки мурожаат этаётганда, халқ таълими органи масъул ходимиға ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати, юридик шахснинг вакили эса, ўзининг шахсини ва ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатларини кўрсатиши керак. Бундай ҳужжатларни кўрсатмаган ахборотдан фойдаланувчилар қабул қилинмайди.

27. Оғзаки сўров билан мурожаат қилган ахборотдан фойдаланувчини қабул қилиш сўров моҳиятидан келиб чиқиб, тегишли бўлинма раҳбари ҳамда сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ходими ёки масъул ходим иштирокида амалга оширилади.

Агарда оғзаки сўров билан мурожаат этган ахборотдан фойдаланувчини қабул қилиш вақтида ушбу сўровни кўриб чиқиш халқ таълими органининг ваколат доирасига кирмаслиги аниқланса, унга сўралаётган ахборотни олиш бўйича сўров билан қайси давлат органига мурожаат этиши мумкинлиги тушунтирилади ва бу ҳақда сўровларни рўйхатга олиш журналига ёки электрон ҳужжат айланиш тизимиға қайд этилади.

28. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг оғзаки сўровлари халқ таълими органининг “ишонч телефонлари” орқали қабул қилиниши мумкин. Бунда сўровлар мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

29. Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши керак.

6-боб. Сўровларнинг кўриб чиқилишини мониторинг қилиш

30. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим сўровларни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинмалар томонидан сўровлар кўриб чиқилишини доимий мониторинг қилади зарур ҳолларда, сўровларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

31. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим сўровларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби сўровларни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинмалар томонидан бузилиши тўғрисида халқ таълими органи раҳбарини дарҳол ҳабардор қилади.

32. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда халқ таълими органи раҳбарига сўровлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурат бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш,

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган ходимларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

33. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим сўровларни умумлаштириб, таҳлил қилиб боради.

Зарур ҳолларда, таҳлил натижалари бўйича халқ таълими органи раҳбарига халқ таълими органида сўровлар билан ишлаш тизимини ва тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан, шунингдек, ахборотдан фойдаланувчилар томонидан халқ таълими органи фаолияти тўғрисида мунтазам сўралувчи ахборотларни нашр этиш ҳамда бошқа муҳим масалалар бўйича таклифлар киритади.

7-боб. Яқуний қоида

Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,
2014 й., 19-сон, 209-модда)*

Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 11 мартда қабул қилинган Сенат томонидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1- модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш.

2- модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг аниқлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3- модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

жисмоний шахсларнинг шахсига доир маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш тартибига;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан аризалар, таклифлар ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш тартибига;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз ваколатларини амалга ошириши муносабати билан улар томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органларига ўз фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибига;

тақдим этилишининг ўзига хос хусусиятлари бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятига тааллуқли бўлган ахборотнинг айрим турларига нисбаган татбиқ этилмайди.

4-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигининг асосий принциплари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

улар томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги;

13-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб сайтлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ушбу органларга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга тегишли бўлган ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган расмий веб-сайт сифатида идентификация қилинадиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ресурсдир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида ушбу Қонун 5-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ахборотдан ташқари қуйидагилар жойлаштирилиши мумкин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг раҳбарлари тўғрисидаги маълумотнома тарзидаги ахборот (биографик маълумотлар, фуқароларни қабул қилиш кунлари ва ҳоказо);

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар уларнинг телефон рақамлари ҳамда почта манзиллари, электрон почта манзиллари, маълумот хизмати телефонларининг ва ишонч телефонларининг рақамлари, жамоат транспортининг қатнов йўллари. тўхташ жойларининг номлари ва йўналиш рақамлари;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг раҳбарлари, шунингдек, ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахслар чиқишларининг ҳамда баёлотларининг матнлари;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳузурида оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ҳамда ахборот тусидаги шарҳлар;

аризаларни, таклифларни, шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисида ахборот;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;

келиб тушган аризаларни, таклифларни, шикоятларни, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишнинг умумий натижалари ҳақидаги ахборот.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларидаги ахборот давлат тилида жойлаштирилиши керак. Расмий веб-сайт бошқа тиллардаги шаклларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган ахборотнинг санаси қўйилган бўлиши ҳамда у вақти-вақти билан янгиланган бўлиши керак. Ахборотни янгиланган бўлиши даврийлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан белгиланади, лекин у ҳафтасига бир мартадан кам бўлмаслиги керак.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган ахборот ишончли бўлиши керак ва у оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборот билан тенг кучга эга бўлади.

LexUZ шарҳи

Шунингдек, қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил августдаги 232-сонли «Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 30 декабрь

312-сонли

Б У Й Р У Ё И**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2017 ЙИЛГИ АСОСИЙ
МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА ДАВЛАТ
БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИНИНГ
ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджет-ти параметрлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджет-ти параметрлари тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар 2017 йил 1 январдан бошлаб ижро учун қабул қилинсин:

а) лавозимлари келтирилган педагог ходимларнинг ҳафталик иш юкламалари ўзгарганлиги:

болалар мусиқа ва санъат мактаблари бошланғич синфлар ўқитувчилари ва концертмейстерларининг ҳафталик иш юкламалари 22 соатдан 24 соатга;

болалар мусиқа ва санъат мактабларининг юқори синфлар ўқитувчилари ва концертмейстерларининг ҳафталик иш юкламалари 18 соатдан 20 соатга;

спорт мактаблари тренер-ўқитувчиларининг ҳафталик иш юкламалари 24 соатдан 26 соатга;

“Баркамол авлод” болалар марказлари тўғарак раҳбарларининг ҳафталик иш юкламалари 18 соатдан 24 соатга;

б) қишлоқ жойларда ва шаҳар типдаги посёлкаларда жойлашган мактабларнинг таълим рус тилида олиб борилмайдиган синф-

ларида дарс ўтган рус тили ва адабиёти ўқитувчилари, шунингдек, жойлашган жойидан қатъий назар таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синфларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларига тўлаб келинган 15 фоиз доимий устаманинг бекор қилинганлиги;

в) Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинадиган 2017 йил учун тўлов миқдорлари.

3. Вазирликнинг барча бошқарма ва бўлинмалари бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли қароридан келиб чиқиб, ўз йўналишлари бўйича тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларини Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига киритсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари ва вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотларига:

3 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори ва вазирликнинг мазкур буйруғини тизимдаги барча таълим муассасаларига етказиш;

болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи ва концертмейстерлари, спорт мактаби тренер-ўқитувчилари ва “Баркамол авлод” болалар маркази тўғрак раҳбарларининг ҳафталик иш юкламалари ўзгарганлиги ҳамда қишлоқ жойларда ва шаҳар типдаги посёлкаларда жойлашган мактабларнинг таълим рус тилида олиб борилмайдиган синфларида дарс ўтган рус тили ва адабиёти ўқитувчилари, шунингдек, жойлашган жойидан қатъий назар таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган синфларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларига тўлаб келинган доимий устаманинг бекор қилиниши бўйича педагог ходимлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

бир ҳафта муддатда болалар мусиқа ва санъат мактаблари, спорт мактаблари ва “Баркамол авлод” болалар марказлари ҳамда тегишли умумтаълим мактабларининг 2016 – 2017 ўқув йилига мўлжалланган тарификация рўйхатларига ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш;

давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун

ота-оналардан олинадиган 2017 йилги тўлов миқдорларини барча мактабгача таълим муассасаларида ҳамма кўриши мумкин бўлган жойларда осиб қўйилишини ташкил этиш;

Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида низом талаблари бўйича тизимдаги муассасаларда тушунтириш ишларини олиб бориш вазифалари топширилсин.

5. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) 10 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан қабул қилинган ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли қароридан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан вазирлик раҳбариятига таклиф киритсин.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

У. Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 30 декабрь

313-сонли

Б У Й Р У Қ И

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
2016 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАГИ УП-4906-СОН ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги УП-4906-сон “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги УП-4906-сон “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур фармон билан қуйидагилар:

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг марказий аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимлари тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг туманлар (шаҳарлар)даги бўлимлари тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълими, соғлиқни сақлаш, юриспруденция ва бошқа соҳалардаги узоқ йиллик ҳалол меҳнатлари учун меҳнаткашларга, шунингдек, ишламайдиган, жамиятда мустаҳкам оилани сақлаб қолган, фарзандларини катталарга ва кичик авлодга ҳурмат, жамият олдидаги масъулият, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб ҳурмат қозонган оналарга тақдим этиладиган «Меҳнат фахрийси» кўрак нишони (I, II, III даражали) таъсис этилганлиги инobatга олинсин.

3. Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев)га, Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Х.Даминов)га, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларига:

пенсияга чиқадиган ходимларга доимий ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишни, уларга зарур моддий ва ижтимоий кўмак бериш, меҳнат жамоасининг жамияг ҳаётида фаол қатнашишини, шунингдек, ҳар йили пенсионерлардан, айниқса, яқка-ёлғизлардан хабар олиш, туғилган кунларида ва байрамларда уларга эсдалик совғалар беришни, уларнинг уй-жой, маиший муаммоларини ҳал этишда кўмаклашишни, санатория-курортда соғломлаштириш ва даволашни ташкил этишни, шунингдек, муқаддас жойларга ва зиёратгоҳларга экскурсиялар ташкиллаштиришни ва бошқа ижтимоий аҳамиятли тадбирларни амалга оширишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

4. Назорат ва таҳлил бошқармаси (К.Иноқов)га, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларига пенсионерлар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг ҳаётий муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ҳал этишга ёрдам бериш мақсадида пенсияга чиққан ходимларини раҳбарият томонидан қабул қилиш жадвалларини ҳар ойда тасдиқлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

У. Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 3 январь

2-сонли

Б У Й Р У Қ И

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “КЕКСАЛАР,
НОГИРОНЛАР ВА АҲОЛИНИНГ БОШҚА ИЖТИМОЙ
ЭҲТИЁЖМАНД ТОИФАЛАРИ УЧУН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР
ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ
ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-415-сон “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирликнинг барча бошқарма ва бўлим бошлиқларига ўз ла-возим ваколатлари доирасида:

ижтимоий хизматлар соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иш-тирок этиш;

ижтимоий хизматлар стандартларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ижтимоий хизматлар мониторинги юритилишини таъминлаш;

ижтимоий хизматларга муҳтож болаларни аниқлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш, уларга тегишли ижтимоий хизматлар кўрсатиш;

аҳолини ижтимоий хизматлар ва бундай хизматлар кўрсатиш шартлари тўғрисида хабардор қилиш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларининг ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжлари таҳлилини ўтказиш;

ижтимоий хизматлар соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

ижтимоий хизматлар соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилишини мутахассислар тайёрланиши, қайта тайёрланиши ва уларнинг малакаси оширилишини ташкил этиш;

ижтимоий хизматлар соҳасидаги тегишли муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

ижтимоий хизматлар соҳасидаги бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълим бошқармалари, давлат педагогика институтлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ҳамда республика таълим муассасалари Қонуннинг мазмун-моҳиятини педагог ходимлар, талабалар ва ўқувчиларга тушунтириш чораларини кўрсин.

4. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га:

ижтимоий хизматлар соҳасидаги тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш;

вазирлик тизимидаги газета ва журналларда Қонуннинг мазмун моҳиятини тартиб қилишга қаратилган мақолалар чоп этиш ва уларни вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириб бориш тавсия этилсин.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 6 январь

3-сонли

Б У Й Р У Қ И

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 5-СИНФЛАР УЧУН ЧЕТ
ТИЛЛАРИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЎҚУВ ДАСТУРИ ВА ДАРСЛИК-
МАЖМУАЛАРНИ ТАЖРИБА-СИНОВДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 июлдаги 421-Ф-сонли Фармойиши асосида 1-,2-,3- 4-синф чет тили дарслик мажмуаларининг мантиқий давоми сифатида давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида 5-синф чет (инглиз, немис ва француз) тили фанларидан дарслик мажмуалари (дарслик, ўқитувчи учун методик қўлланма ва мультимедиа иловаси) муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланди.

Вазирликнинг 2016 йил 29 октябрдаги 8-сонли Ҳайъат қарори ижросини таъминлаш ҳамда 5-синф чет (инглиз, немис ва француз) тилларидан дарслик мажмуаларнинг (дарслик, ўқитувчи учун методик қўлланма ва мультимедиа иловаси) ўқувчилар ёши ва психо-физиологик хусусиятларига мослигини аниқлаш, синфлар ўртасидаги узвийликни таъминлаш, кенг жамоатчиликнинг таклиф ва хулосалари ҳамда малакали ўқитувчиларнинг амалиётдаги тажрибасидан келиб чиққан ҳолда камчиликларни бартараф этиш, тайёрланган ўқув дастурлари ва дарслик мажмуаларига ўз вақтида тегишли ўзгартиришлар киритиш учун тажриба-синовдан ўтказишни ташкил этиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. 2017 йил 11 январдан 20 мартга қадар чет тилларидан ўқув дастурлари ва дарслик мажмуаларнинг 5-синф ўқувчилари ёши ва психо-физиологик хусусиятларига, давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларига мослиги тажриба-синовдан ўтказилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда чет тиллари дарслик мажмуаларини 5-синфларда тажриба-синовдан ўтказиш бўйича таянч мактаблар ва экспериментатор ўқитувчилар рўйхати 1-иловага, масъул методистлар ҳамда илмий раҳбарлар таркиби 2-иловага, дарслик мажмуаларни тажриба-синовдан ўтказиш тартиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (М.Вахобов), Республика таълим маркази (И.Зокиров), А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (Н.Рахмонкулова), Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров)га:

Бир ҳафта муддатда умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун қайта нашрга тайёрланган инглиз, немис ва француз тилларидан дарслик - мажмуаларни (дарслик, ўқитувчи учун методик қўлланма ва мультимедия иловаси) 15 нусхада DVD дискларда кўпайтириш ва ҳар бир ҳудудий малака ошириш институтларига етказилишини таъминлаш;

2017 йил 15 январга қадар тажрибали мутахассислар ҳамда муаллифларни жалб этган ҳолда экспериментатор-ўқитувчилар учун видеоконференция орқали ўқув-семинар ташкил этиш;

тажриба-синов давомида экспериментатор-ўқитувчилар томонидан билдирилган фикрларни муаллифлар гуруҳига етказиш, ҳулосалар асосида дарсликларни такомиллаштириш, белгиланган муддатда чоп этилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

умумий ўрта, мактабгача таълим ва дарсликлар бўлими томонидан таянч мактабларга амалий-методик ёрдам кўрсатиш;

тажриба-синов давомида экспериментатор-ўқитувчилар томонидан билдирилган фикрларни ўрганиб чиқиш, умумлаштириш ҳамда икки ҳафтада бир марта Республика таълим марказига тақдим этиб бориш;

тажриба-синов ўтказилаётган мактабларда зарур шарт-шароитлар яратиш ва экспериментатор-ўқитувчиларни тажриба-синов давомида ўрнатилган тартибда рағбатлантиришни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

5. Ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорларига 5-синфлар учун инглиз, немис ва француз тилларидан электрон вариантда етказилган дарслик-мажмуаларни бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан кўпайтириш ва ҳудудларда белгиланган

тажриба-синов майдонларидаги ўқитувчилар ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларидаги педагог ходимларга етказиш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

6. Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти (Н.Тайлоқов) тажриба-синов жараёнининг илмий жиҳатларини иловадаги тартиб асосида мувофиқлаштириб борсин ҳамда мутахассислар иштирокида таҳлил қилсин, синов якунлари юзасидан илмий асосланган хулосаларни Республика таълим марказига тақдим этсин.

7. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази (Ш.Эргашев) халқ таълими муассасалар фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг ўқувчиларни касбга йўналтиришни ва педагогик-психологик диагностикасини методик таъминлаш кичик гуруҳи ходимлари томонидан “Чет тили” фанидан 5-синф ўқувчилари учун мўлжалланган ўқув дастури, дастур мавзуларини ўзлаштиришдаги психологик ҳолатини таҳлил қилсин, хулосаларни умумлаштирсин ва Республика таълими марказига етказиб борсин.

8. Вазирликнинг Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) ва “Маърифат”, “Учитель Узбекистана” газеталари таҳририяти (А.Раҳимов)га тажриба-синовни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2016 йил 8 январдаги “Умумтаълим мактабларининг 4-синфи учун чет тилларидан тайёрланган ўқув дастури ва дарслик-мажмуаларни тажриба-синовдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 4-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 6 январь

6-сонли

Б У Й Р У Ғ И**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ
БОШЛИҒИНИНГ 2016 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДАГИ 5-СОНЛИ БУЙРУҒИ
ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири - Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2016 йил 30 декабрдаги 5-сонли "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2016 йилда ба-жарилган тадбирлар якуни ва 2017 йилдаги вазифалар тўғрисида"ги буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири - Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2016 йил 30 декабрдаги 5-сонли "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2016 йилда ба-жарилган тадбирлар якуни ва 2017 йилдаги вазифалар тўғрисида"ги буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизими-даги бошқарув идоралари ва барча турдаги таълим муассасалари учун фавқулдда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш бўйича 2017 йил учун ташкилий кўрсатмалар 1-иловага, Халқ таълими вазирлиги тизимида 2017 йилда ходим ва хизмат-чиларни фавқулдда вазиятлардан ҳимоя қилиш ҳамда фуқаро муҳофазасига тайёрлаш бўйича тавсия этиладиган мавзулар 2-ило-вага, аҳоли ва ҳудудларни фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2017 йилда амалга ошириладиган тадбирлар режа-си 3-иловага 2017 йилда Фуқаро муҳофазаси институтига ўқишга жалб этиладиган халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассислари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ва вилоятлар халқ таъ-лими бошқармалари давлат педагогика институтлари, халқ таъли-

ми ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари:

мазкур буйруқнинг 1-илоvasи ҳамда 3-илоvasида белгиланган вазифаларнинг ижросини ўз муддатида, сифатли бажарилишини таъминласин;

мазкур буйруқнинг 4-илоvasи асосида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтини 2017 йилда тингловчилар билан таъминлаш режасини белгиланган муддатда сўзсиз бажарилишини назоратга олсин;

юзага келиши мумкин бўлган ёки юзага келган табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ва уларнинг олдини олишга оид ўтказилган тадбирлар, тегишли маълумотлар ва ҳисоботларни ҳар чорак якунлари бўйича вазирлиқнинг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармасига (dastur@xtv.uz ёки 239-40-97, факс 239-19-70) мунтазам равишда тақдим этсин.

4. Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га бажарилган ишлар ҳамда “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари” мавзусида туркум материалларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилиши тавсия этилсин.

5. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирлиқнинг 2016 йил 19 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 1-сонли буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 12-сонли буйруғи бекор қилинсин.

Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 6 январь 6-сонли буйруғига
1-илова*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
тизимидаги бошқарув идоралари ва барча турдаги таълим
муассасалари учун фавқулдда вазиятларда уларнинг
олдини олиш ва ҳаракат қилиш бўйича 2017 йил учун
ташкилий кўрсатмалар**

1. Халқ таълими тизимидаги бошқарув идоралари ва барча турдаги таълим муассасаларида фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини юқори савияда ва самарали амалга ошириш мақсадида қуйидагилар 2017 йилдаги асосий вазифалар этиб белгилансин:

Фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш, улар юзага келганда жамoa ва ўқувчилари хавфсизлигини, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни ҳамда тинчлик ва ҳарбий даврда давлат иқтисодиётига зарарни камайтиришни таъминлаш;

Фавқулдда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш;

Фавқулдда вазиятларни бартараф этишда ҳамкорлик қилиш;

Фавқулдда вазиятлар юзага келганда потенциал хавф мавжуд бўлган муассасаларнинг бир маромда ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Баҳорги сел хавфи бўлган ҳудудда жойлашган таълим муассасаларида маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда хавфни камайитириш чораларини кўриш;

Фавқулдда вазиятлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари томонидан ўтказиладиган махсус-тактик ўқув машқларида ҳамкорлик қилиш ва фаол иштирок этиш;

Мақтабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, малака ошириш ва давлат педагогик институтларида фавқулдда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш бўйича ўқув курсларининг ўз вақтида ва самарали ташкил этилишини таъминлаш.

2. Умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари ўқувчи ва талабаларини юзага келиши мумкин бўлган фавқулдда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш тадбирлари амалий ва назарий дарслар сифатида амалга оширилади.

3. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда таълим муассасалари ходимларини ҳар йили бир маротаба (1 кун) ўтказиладиган “Фуқаро муҳофазаси кунлари” тадбирларини Фавқулдда вазиятлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимларининг малакали мутахассислари иштирокида ташкил этиш.

4. Тасдиқланган режа ва дастурларга мувофиқ вилоят ва тумани бошқарув идора раҳбарлари ва мутахассислари Фавқулдда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институти тайёргарликдан ўтказилади.

5. Таълим муассасалар раҳбарлари, ўқитувчи ва мутахассислари таркиби ҳудудий Фавқулдда вазиятлар бошқармалари Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида тасдиқланган режа ва дастурлар асосида тайёргарликдан ўтказилади.

6. Таълим муассасалари ишчи-хизматчилари ва педагог ходимлари юзага келиши мумкин бўлган фавқулдда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш тадбирлари уларнинг иш жойларида 15 соат (мавзулар буйруқнинг 2-иловасига мувофиқ) ҳажмдаги машғулотлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

7. Фуқаро муҳофазаси соҳаси бўйича ўқитиш ва ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари қуйидагича белгиланади:

Фавқулдда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институти ва ҳудудий Фавқулдда вазиятлар бошқармалари Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида раҳбар ходимлар ва мутахассисларни тайёрлаш ва ўқитиш тасдиқланган режа асосида, таълим муассасалари ишчи хизматчилари ва педагог ходимлари учун ўқув машғулотлар 2017 йилнинг 9-январидан 31 майгача ўтказилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан фуқаро муҳофазаси ишларининг ҳолати ва белгиланган вазифалар ижроси юзасидан маълумотлар 2017 йил 15 декабрга қадар вазирликнинг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармасига тақдим этилади.

Халқ таълими вазирининг
2017 йил 6 январ 6-сонли буйруғига
2-илова

**2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги тизимида ходим ва хизматчиларини фавқулдда
вазиятлардан ҳимоя қилиш ҳамда фуқаро муҳофазасига
тайёрлаш бўйича тавсия этиладиган
МАНЗУЛАР**

Т/р.	Мавзу	Машғулот шакли	Соат- лар
1	Фавқулдда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими.	маъруза	1
2	Юзага келиши мумкин бўлган фавқулдда вазиятларнинг таснифи.	маъруза	1
3	Табиий хусусиятли фавқулдда вазиятлар, уларнинг таснифи ва улардан муҳофазаланиш. Трансчегаравий фавқулдда вазиятлар.	Гуруҳ машғулоти	2
4	Техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлар, уларнинг таснифи ва улардан муҳофазаланиш.	Гуруҳ машғулоти	2
5	“Диққат ҳаммага!” сигналини бериш усули, огоҳлантирувчи сигнал берилганда ҳаракатланиш тартиби. Фавқулдда вазиятларда аҳолининг ҳаракати.	Гуруҳ машғулоти	2
6	Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалардан аҳолини муҳофаза қилишни ташкил этиш. Шахсий ва жамоа ҳимоя воситалари.	Амалий машғулоти	2
7	Заҳарланганда, жароҳат олганда, куйганда, қон оқиши, суяклар синишида ўз-ўзига ва бошқаларга ёрдам бериш.	Амалий машғулоти	2
8	Муҳандислик ҳимоя иншоотларининг қурилишини ўрганиш. Асосий ва ёрдамчи бинолар, уларнинг жиҳозланиши, улардаги яшаш таъиноти тизими.	Амалий машғулоти	2
9	Террорчилик ҳаракатлари хавфи туғилганда ёки содир этилганда ҳаракат қилиш қоидалари.	Амалий машғулоти	1

Эслатма: Объектлар фуқаро муҳофазаси бошлиқлари маҳаллий шароитларга қараб ўқув соатларини қисқартирмаган ҳолда мавзуларга қўшимчалар ва аниқликлар киритиши мумкин. Амалий машғулотларни маърузалар билан алмаштириш тақиқланади.

Халқ таълими вазирлигининг
2017 йил 6 январдаги 6-сонли буйруғига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2017 йилда амалга ошириладиган тадбирлар

РЕЖАСИ

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш мuddати	Масъул
1.	Тегишли ташкilotлар (Фуқаро муҳофазаси институт, Фавқулодда вазиятлар бўйича ҳудудий бошқарма ва бўлимлари) билан ҳамкорликда фуқаро муҳофазаси бўйича ўқишларни 2-иловада тавсия этилган мавзуларга мувофиқ ташкил этиш.	Йил давомида	Вазирлиқнинг барча бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ХТВ, педагогика институтлари, ПХҚТМОИ, вазирлик тасарруфидagi таълим муассасалари, ташкilotлар раҳбарлари.
2.	“Зирила оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш” мавзусида ҳудудий Фавқулодда вазиятлар бошқармалари билан семинар ўтказиш.	Февраль-март	Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ, вазирлик тасарруфидagi таълим муассасалари ва ташкilotлар.
3.	Белгиланган режа бўйича таълим муассасалари раҳбарлари ва “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” йўналиши бўйича дарс берувчи ўқитувчилар ва ёзи соғломлаштириш оромгоҳлари раҳбарлари ва тарбиячиларини ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари қошидаги Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида ўқишини ўз мuddатида амалга ошириш.	Ўқув йили давомида	Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ.

4.	Худудий фавкулдда вазиятлар бошқарма, бўлимлари билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари ўқувчилари, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини юзага келиши мумкин бўлган фавкулдда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича мактабдан ташқари тадбирлар ташкил этиш ва кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш (учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш, маърузалар тинглаш, ўқув фильмлар кўриш).	Ўқув йили давомида	Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ, вазирлик тасарруфидати таълим муассасалари ва ташкилотлар.
5.	Таълим муассасаларида ота-оналар иштирокида "Фуқаро муҳофазаси куни"ни ташкил қилиш ва ўтказиш.	Апрель-май	Фавкулдда вазиятлар вазирлигининг жойлардаги бошқармалари билан ҳамкорликда, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ, педагогика институтлари, ПХҚТМОИ, вазирлик тасарруфидати таълим муассасалари ва ташкилотлар.
6.	Худудий фавкулдда вазиятлар бошқарма, бўлимлари билан ҳамкорликда таълим муассасалари раҳбарлари учун "Фавкулдда вазиятларнинг олдини олиш ва содир этилган ҳолда тўғри ҳаракат қилиш" бўйича семинар ва амалий машғулотлар ўтказиб бориш	Ўқув йили давомида	Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ, вазирлик тасарруфидати таълим муассасалари.
7.	"Ёш кутқарувчи" кўнгиллилар клубларининг фаолиятини жонлантириш ва клублар ўртасида ўтказиладиган уч босқичли мусобақаларда фаол иштирок этиш.	Февраль-май	Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ, вазирлик тасарруфидати таълим муассасалари Фавкулдда вазиятлар вазирлиги, "Камолот" ЁИХ Марказий кенгаши ва уларнинг худудий бошқарма ва бўлимлари билан ҳамкорликда.

8.	Вилоят халқ таълими бошқармаси, туман шаҳар халқ таълими бўлимлари, ташилотлар, таълим муассасаларининг газ ниқоблари билан таъминланганлик ҳолатини ва мавжуд газ ниқобларини яроқчилигини хатловдан ўтказиш ҳамда газ ниқоблари билан етарли даражада таъминлаш чораларини кўриш.	Ўқув йили давомида	Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ, вазирилик тасарруфидagi таълим муассасалари.
9.	Таълим муассасаларида фуқаро муҳофазаси синф хоналарини ва бурчакларини ўқув методик адабиёт, кўргазмалар қўроплар билан мунтазам бойитиб бориш.	Ўқув йили давомида	Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ, вазирилик тасарруфидagi таълим муассасалари.
10.	Таълим муассасаларида “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” дарслари ва амалий машғулотларига фавқулодда вазиятлар идоралари ҳамда олий тоифали тиббиёт мутахассисларини тақлиф қилиш ва дарсларни янги педагогик технологиялардан, мультимедия дастурларидан, ахборот ва илмий ресурслардан кенг фойдаланган ҳолда ташкил этиш.	Ўқув йили давомида	Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ, вазирилик тасарруфидagi таълим муассасалари
11.	Барча таълим муассасаларида ёзи таътил олди-дан ва ёзи соғломлаштириш оромгоҳларида ҳар бир мавсум бошида “Ўмилиш ҳавзаларида хавфсизлигини таъминлаш, чўмилиш ҳавзалари ҳамда уларда чўмилиш қоидалари” мавзусида семинарлар ташкил этиш.	Май-август	Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ, вазирилик тасарруфидagi таълим муассасалари фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш ва-зириликлари ва уларнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари билан ҳамкорликда.

Халқ таълими вазирлигининг
2017 йил 6 январдаги б-сонли буйруғига
4-илова

**Фавкулдодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтини 2017 йилда тингловчилар
билан жамлаш режасига мос равишда 2017 йилда Фуқаро муҳофазаси институтига ўқишга жалб эти-
ладиган халқ таълими тизими раҳбарлари ва мутахассислари
Р У Й Х А Т И**

Тоифа рақами	Тингловчилар тоифаси	Ўқитиш санаси	Тингловчиларнинг Ф.И.Ш. иш жойи ва лавозими.
1.	1 Фуқаро муҳофазаси	27.02-03.03.2017й.	Наманган вилояти ХТБ бошлиғи
	2 бошлиқлари (худудий	27.03-31.03.2017й.	Жиззах вилояти ХТБ бошлиғи
	3 бошқарма бошлиғи)	11.12-15.12.2017й.	Фарғона вилояти ХТБ бошлиғи
2.	4 Худудий бошқармалар	23.01 -27.01.2017й.	Андижон вилояти ХТБ бошлиғининг биринчи ўринбосари
	5 Фуқаро муҳофазаси	02.02-10.02.2017й.	Сирдарё вилояти ХТБ бошлиғининг биринчи ўринбосари
	6 бошлиқларининг ўринбосарлари (худудий бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарлар)	11.12-15.12.2017й.	Хоразм вилояти ХТБ бошлиғининг биринчи ўринбосари
3.	7 Олий ўқув юртлири	15.05-26.05.2017й.	Тошкент ВПҚҚТМОИ фуқаро муҳофазаси бўйича масъул ходими
	8 фуқаро муҳофазаси	06.11-17.11.2017й.	Қашқадарё ВПҚҚТМОИ фуқаро муҳофазаси бўйича масъул ходими
	9 ўқитувчилари ва цикл бошлиқлари	06.11-17.11.2017й.	Жиззах ВПҚҚТМОИ фуқаро муҳофазаси бўйича масъул ходими

7.	10	Фуқаро муҳофазаси бўйича масъул ходим- лар	09.04-14.04.2017й.	Навобий вилояти ХТБ масъул ходими
	11		20.11-01.12.2017й.	Тошкент вилояти ХТБ масъул ходими
8.	12	Фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассислар (ЎР ВМнинг 2011 йил 24 августдаги 242-сонли қарорига мувофиқ кири- тилган)	11.09-22.09.2017й.	Сурхондарё вилояти ХТБ масъул ходими
	13		23.10-03.11-2017й.	Наманган вилояти ХТБ масъул ходими

Изоҳ: Фавақулдда ёзилятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтига ўқиша жалб этилаётган тингловчилар иш жойи ўзгарганда, лавозимга янги тайинланган ходим жалб этилади.

(Фуқаро муҳофазаси институти манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўрғони, Анайбулоқ кўчаси 3-уй, телефон:(95) 177-09-91, (95)177-69-91. Мулжал: метронинг "Буюк ипак йўли" бекати, "Саёҳат"меҳмонхонаси ёнидан 496-автобус билан "Фуқаро муҳофазаси институти" бекати)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 14 январь

11-сонли

Б У Й Р У Қ И**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ
12 ЯНВАРДАГИ Ф-4789-СОН ФАРМОЙИШИ ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот бўйича Комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-4789-сон фармойиши ижросини таъминлаш ва ушбу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича тегишли таклифларни тайёрлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги Ф-4789-сон фармойиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурига Халқ таълими вазирлигининг таклифларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳ (Б.Данияров)га 15 кун муддатда соҳа мутахассислари ва экспертларини жалб қилган ҳолда илғор хорижий тажрибаларни инобатга олиб, қуйидаги масалаларни атрофлича ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш асосида тегишли таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилсин:

ўқувчи-ёшлар орасида бадий жихатдан юсак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабларни ўрганиш, нашриётлар томонидан чиқариладиган бадий адабиётларнинг умумий буюртма рўйхатини шакллантириш тизимини ва китобларни чоп этиш ҳамда таълим муассасаларига етказиб бериш ҳолатини ўрганиш ва муаммолар асосида таклифлар киритиш;

ноширлар ва муаллифларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, болалар адабиётига ихтисослашган нашриётларга молиявий имтиёзлар бериш ва моддий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш, матбаа корхоналари ва нашриётларга китоб ишлаб чиқариш учун сифатли қоғоз ва матбаа хомашёларини четдан харид қилиш тартибини такомиллаштиришда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

ахборот-кутубхона муассасаларининг, айниқса таълим соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фондларини шакллантиришда ўқув адабиётлари билан бир қаторда бадиий, маърифий, илмий-оммабоп адабиётларнинг рўйхатини қайта кўриб чиқиш, ҳамда уларни харид қилиш бўйича харажатлар сметаси юзасидан таклифларни шакллантириш;

таълим муассасаларида, кутубхоналарда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш ҳамда айниқса мактабгача ва бошланғич таълимда ўқиш маданияти ва мутола кўникмаларини шакллантириш;

таълим муассасаларида синфдан ташқари ўқиш учун тавсия этилган ўзбек ва чет эл адибларининг мумтоз ва замонавий асарларини танлаб хрестоматия адабиётлари рўйхатларини қайта кўриб чиқиш ва ўқув жараёнининг мутолаа этилган асарлар асосида иншо ёзиш тизимини жорий этиш, адабиёт тўғарақлари фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини қайта кўриб чиқиш;

“Йилнинг энг яхши китоби”, “Энг яхши китобхона оила”, “Йилнинг энг яхши болалар китоби”, “Йилнинг энг яхши аудио китоби”, “Йилнинг энг яхши электрон китоби” каби танловларни ўтказиш тизимини такомиллаштириш.

3. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш Бош бошқармаси (М.Ваҳобов), Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Ҳ.Даминов)га ишчи гуруҳ аъзоларининг белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммада қолдираман.

Вазир

У. Иноятов

Халқ таълими вазирининг
2017 йил 14 январдаги 11-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш
тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик
маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича
комплекс чора-тадбирлар дастурига Халқ таълими
вазирлигининг таклифларини ишлаб чиқиш бўйича
ИШЧИ ГУРУХ ТАРКИБИ**

т/р	Фамилияси исми ва шарифи	Лавозими
1.	Б.Данияров	Вазирнинг биринчи ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари
2.	Д.Кенжаев	Вазир ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
3.	М.Вахобов	Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи, гуруҳ аъзоси
4.	Х.Даминов	Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи, гуруҳ аъзоси
5.	А.Ортиков	Дарсликлар ва ўқув методик адабиётларнинг авлодини яратиш бўлими бошлиғи, гуруҳ аъзоси
6.	З.Товбаев	“Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси мудир, гуруҳ аъзоси
7.	И.Зокиров	Республика таълим маркази директори, гуруҳ аъзоси
8.	У.Тайлаков	“ZiyoNET” Ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими бошлиғи, гуруҳ аъзоси
9.	К.Гафуров	Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директори, гуруҳ аъзоси
10.	Н.Тайлаков	Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, гуруҳ аъзоси
11.	А.Раҳимов	“Маърифат” - “Учитель Узбекистана” газеталари бош муҳаррири, гуруҳ аъзоси
12.	Д.Ўролов	Республика болалар кутубхонаси директори, гуруҳ аъзоси
13.	Д.Ганиева	Республика илмий педагогика кутубхонаси директори, гуруҳ аъзоси
14.	Д.Эрматов	“Баркамол авлод” республика болалар бадий ижодиёт маркази директори, гуруҳ аъзоси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2017 йил 16 январь

13-сонли

Б У Й Р У Қ И

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА ХУДУДИЙ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИНИНГ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШ
ТАРТИБИ ҲАМДА УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 14 декабрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган нутқида ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширилиши белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларида педагогик фаолият самарадорлигини ошириш ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари ва таълим муассасаларининг таълим сифати кўрсаткичлари индекслари асосида рейтингини аниқлаш механизмини такомиллаштириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Педагогик жамоалар ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг таълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари рейтингини аниқлаш ҳамда умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувини (кейинги матнда беллашув деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Таълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув идораларининг рейтингини аниқлаш тизими 1-а, б, в иловаларга, умумий ўрта таълим муассасаларида умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувини ташкил этиш тўғрисидаги Низом 2-иловага, беллашувни ташкил этиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (М.Вахобов), Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев)га:

худудларда беллашувнинг мактаб, туман, вилоят босқичларини холисона ўтказилишини қатъий назоратга олиш;

ҳар ўқув йилининг 1 июнига қадар билимлар беллашувининг республика (тўртинчи) босқичини ўтказиш ва унда совринли ўринларни эгаллаган ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантириш бўйича вазирлик раҳбариятига тақлиф киритиш;

беллашувнинг республика босқичи иштирокчиларини фан йўналишлари бўйича “Интеллектуал-ривожлантириш оромгоҳлари”да ёзги дам олишларини ташкил этиш;

билимлар беллашуви натижаларини халқ таълими ходимларининг аъъанавий август кенгашларида атрофлича муҳокама қилинишини ҳамда ўқувчилар билимларида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқирилишини ташкил қилиш вазифалари юклатилсин.

4. Вазирликнинг барча бошқарма ва бўлим бошлиқларига таълим муассасалари ва таълимнинг бошқаруви идоралари рейтингини аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни ҳар ўқув йилининг 1 июнига қадар Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармасига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

5. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (М.Вахобов)нинг билимлар беллашувини ташкил этиш билан боғлиқ тақлифлари асосида сарф-харажатларни бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини назарда тутсин.

6. Республика таълим маркази (И.Зокиров)га:

ҳар йили 1 ноябрга қадар мазкур буйруқнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасаларида умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувини ташкил этиш тўғрисидаги Низом” ва беллашувни ташкил этиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг қарорларига мувофиқ умумтаълим муассасаларида фанлар бўйича бўлимлар беллашувини ташкил этиш юзасидан методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш;

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари, жамоатчи экспертлар билан биргаликда назорат материалларини кўпвариантлик (камида 3 та вариант) асосида махфийлиги таъминланган ҳолда экспертиза хулосалари билан **ҳар ўқув йилининг 1 апрелига қадар** вилоят босқичи ҳамда республика босқичи учун **ҳар ўқув йилининг 1 июнига қадар** вазирликка тақдим этиш;

билимлар беллашувининг республика босқичи ўтказилиши белгиланган таълим муассасаларини Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан биргаликда зарур бўлган барча ўқув-лаборатория ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш ва беллашувни юқори савияда ўтказилишини ташкил этиш;

билимлар беллашувининг республика босқичи натижаси бўйича таҳлилий маълумотнома ҳамда ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан ҳар бир фан ва синфлар кесимида методик тавсиялар ишлаб чиқиб, таълим муассасаларига етказиш;

ҳар ўқув йилининг 1 августига қадар билимлар беллашуви натижасида таълим муассасалари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари рейтингини аниқлаб, вазирликка маълумот тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари ректорларига:

билимлар беллашувининг мактаб, туман (шаҳар) ва вилоят босқичини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш;

билимлар беллашувининг туман (шаҳар), вилоят босқичига ўқувчиларни олиб келиш ва олиб кетиш, овқатлантириш ва ётоқхона билан таъминлаш ҳамда республика босқичига олиб келиш ва олиб кетиш ва йўлда овқатлантириш бўйича талаб этиладиган сарф-харажатларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда зарур ҳолларда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг ҳар йилга мўлжалланган бюджет маблағлари ва ҳомийлар ҳисобидан амалга оширилишини назарада тутиш;

беллашувнинг иккинчи ва учинчи босқичларида совринли ўринларни эгаллаган ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳамда ёз мавсумида ҳудудий “Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари”да маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш;

беллашувнинг мактаб, туман (шаҳар) босқичларини ўтказилишида амалий ёрдам бериш ва ҳолисона ташкил этилишини катъий назоратга олиш;

ҳар бир босқич якуни бўйича маълумотларни белгиланган тартибда умумлаштириб, ўқув йилининг 10 апрелига қадар биринчи ва иккинчи босқич натижаларини, тўртинчи босқич бошланишидан камида 10 кун аввал учинчи босқич якунлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда тегишли жадвалларни вазирликка тақдим этилишини таъминлаш;

беллашувнинг учинчи босқичи учун фанлар ва синфлар кеси-мида кўп вариантлик асосида (камида 3 та вариантда) экспертизадан ўтказилган назорат материалларини ҳар ўқув йилининг 1 апрелига қадар, тўртинчи босқичи учун ҳар ўқув йилининг 1 июнига қадар вазирликнинг Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни-ни ривожлантириш бош бошқармасига тақдим этиш;

билимлар беллашуви натижалари асосида ўқувчиларнинг билимларида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни ҳар ўқув йилининг 20 августига қадар вазирликка тақдим этиш вазифалари топширилсин.

8. Вазирликнинг Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) ва “Маърифат”, “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Раҳимов)га билимлар беллашувини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2014 йил 17 ноябрдаги 318-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

Халқ таълими вазирининг
2017 йил 16 январдаги 13-сонли буйруғига
1-илова

**Таълим муассасалари рейтингини аниқлаш кўрсаткичлари
тизими**

T/p	Кўрсаткичлар	максимал балл	Кўрсат- кичнинг умумий рейтингдаги салмоғи
	Жами рейтинг бали ва фоиз	4600	100%
	I. Таълим сифати даражаси индекси	2700	58,6%
1.1.	Таълим муассасаси жамоасининг умумтаъ- лим фанлари бўйича билимлар беллашуви- даги иштироки кўрсаткичлари	400	8,7%
1.2.	Фан олимпиадаси кўрсаткичлари	300	6,5%
1.3.	«Хуқуқ билимдонлари» кўрик-танлови кўрсаткичлари	300	6,5%
1.4.	«Китобхон мактаб» кўрик-танлови кўрсаткичлари	300	6,5%
1.5.	«Ораста қизлар» кўрик-танлови кўрсаткичлари	300	6,5%
1.6.	«Жаҳолатга қарши маърифат» кўрик- танлови кўрсаткичлари	300	6,5%
1.7.	«Конституция бахтимиз пойдевори» кўрик- танлови кўрсаткичлари	300	6,5%
1.8.	«Президент асарларини ўрганамиз» кўрик- танлови кўрсаткичлари	300	6,5%
1.9.	9-синф битирувчилари ўртасида ўтказилган умумтаълим фанларини ўзлаштириш мони- торинги кўрсаткичлари	100	2,2%
1.10.	Ўқувчилар ўртасида ўтказилган онлайн олимпиада кўрсаткичлари	100	2,2%
	II. Ўқитувчилар касбий маҳорати кўрсаткичи индекси	1300	28,3%
2.1.	Ўқитувчилар таянч маълумот кўрсаткичлари (олий, ўрта махсус)	100	2,2%

2.2.	Ўқитувчиларнинг малака тоифалари бўйича сифат кўрсаткичлари	200	4,3%
2.3.	“Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танлови кўрсаткичлари	400	8,7%
2.4.	“Йилнинг энг фаол синф раҳбари” кўрик-танлови кўрсаткичлари	300	6,5%
2.5.	Чет тили ўқитувчиларининг ойлик маош-ларига кўшиб бериладиган устамалар кўрсаткичи	100	2,2%
2.6.	Директор жамғармаси ҳисобидан устама олиш кўрсаткичлари	100	2,2%
2.7.	Ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларидан ўтиш кўрсаткичлари	100	2,2%
	III. Таълим муассасасининг умумий фаолияти кўрсаткичи индекси	400	8,7%
3.1.	“Энг обод таълим муассасаси” кўрик-танлови кўрсаткичи	200	4,3%
3.2.	“Энг яхши мактаб директори” кўрик-танлови кўрсаткичи	100	2,2%
3.3.	Муассаса жамоасининг спорт мусобақаларидаги кўрсаткичлари	100	2,2%
	IV. Кенг жамоатчилик ва ота-оналарнинг таълим муассасасидаги таълим-тарбия жараёни самарадорлигини баҳолаши индекси	200	4,4%
4.1.	Таълим истеъмолчилари, таълим муассасалари жамоалари ҳамда ота-оналар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари кўрсаткичлари	100	2,2%
4.2.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мактаб фаолиятига оид мурожаатлари (шикоят ва аризалар) кўрсаткичлари	100	2,2%

* Кўрсаткичларга вазирлик иш режасига мувофиқ ўзгартиришлар киритилиши, айримлари кейинги йилга кўчирилиши, чиқариб ташланиши ёки таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи янги кўрсаткичлар киритилиши мумкин.

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 16 январдаги 13-сонли буйруғига
16-илова*

**Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик
таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари рей-
тингини аниқлаш кўрсаткичлари тизими**

Т/р	Кўрсаткичлар	Максимал балл	Кўрсаткич- нинг умумий рейтингдаги салмоғи
	Жами рейтинг бали ва фоизи	3400	100%
	<i>1. Таълим сифати даражаси индекси</i>	<i>1700</i>	<i>50,0%</i>
1.1.	Туман(шаҳар) жамоасининг умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувидаги иштироки кўрсаткичлари	300	9,0%
1.2.	Фан олимпиадаси кўрсаткичлари	200	6,0%
1.3.	«Хуқуқ билимдонлари» кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	2,9%
1.4.	«Китобхон мактаб» кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	2,9%
1.5.	«Ораста қизлар» кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	2,9%
1.6.	«Жаҳолатга қарши маърифат» кўрик- танлови кўрсаткичлари	100	2,9%
1.7.	«Конституция бахтимиз пойдевори» кўрик- танлови кўрсаткичлари	100	2,9%
1.8.	«Президент асарларини ўрганамиз» кўрик- танлови кўрсаткичлари	100	2,9%
1.9.	«ОИТС ва гиёҳвандликка қарши бирлашай- лик» кўрик-танлов кўрсаткичлари	100	2,9%
1.10.	«Инглиз тили билимдонлари» кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	2,9%
1.11.	9-синф битирувчилари ўртасида ўтказилган умумтаълим фанларини ўзлаштириш мони- торинги кўрсаткичлари	200	5,8%

1.12.	Ўқувчилар ўртасида ўтказилган онлайн олимпиада кўрсаткичлари	200	6,0%
	II. Ўқитувчилар касбий маҳорати кўрсаткичи индекси	1100	32,0%
2.1.	Ўқитувчилар таянч маълумот кўрсаткичлари (олий, ўрта махсус)	100	2,9%
2.2.	Ўқитувчиларнинг малака тоифалари бўйича сифат кўрсаткичлари	100	2,9%
2.3.	“Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танлови кўрсаткичлари	200	5,8%
2.4.	“Йилнинг энг фаол синф раҳбари» кўрик-танлови кўрсаткичлари	200	5,8%
2.5.	“Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси” кўрик-танлови кўрсаткичлари	200	5,8%
2.6.	Ўқитувчилар ўртасида “Энг яхши веб-сайт” кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	2,9%
2.7.	Чет тили ўқитувчиларининг ойлик маошларига қўшиб бериладиган устамалар кўрсаткичи	100	2,9%
2.8.	Ўқитувчи ва раҳбар кадрларнинг ҳудудий ХТХҚТМОИлари малака ошириш курсларига жалб этиш режасининг бажарилиши кўрсаткичлари	100	3,0%
	III. ХТМФМТЭ нинг умумий фаолияти кўрсаткичи индекси	400	12,0%
3.1.	“Энг обод таълим муассасаси” кўрик-танлови кўрсаткичи	100	2,9%
3.2.	Таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш режасининг бажарилиши кўрсаткичи	100	2,9%
3.3.	Спорт мусобақаларидаги кўрсаткичлари	100	2,9%
3.4.	Ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълимга жалб этиш кўрсаткичлари	100	2,9%
	IV. Кенг жамоатчиликнинг туман (шаҳар) халқ таълими тизимидаги таълим-тарбия жараёни самарадорлигини баҳолаш индекси	200	5,8%
4.1.	Кенг жамоатчилик, таълим истеъмочилари, ота-оналар ҳамда таълим муассасалари жамоалари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари кўрсаткичлари	100	2,9%

4.2.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг таълим-тарбия жараёни фаолиятига оид мурожаатлари (шикоят ва аризалар) кўрсаткичлари	100	2,9%
------	---	-----	------

**Кўрсаткичларга вазирлик иш режасига мувофиқ ўзгартиришлар киритилиши, айримлари кейинги йилга кўчирилиши, чиқариб ташланиши ёки таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи янги кўрсаткичлар киритилиши мумкин.*

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 16 январдаги 13-сонли буйруғига
1в-илова*

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари

Т/р	Кўрсаткичлар	Максимал балл	Кўрсаткичнинг умумий рейтингдаги салмоғи
	Жами рейтинг бали ва фоизи	2800	100%
	I. Таълим сифати даражаси индекси	1400	50,0%
1.1.	Вилоят жамоасининг умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувидаги иштироки кўрсаткичлари	200	8,0%
1.2.	Таълим сифати мониторинги кўрсаткичлари	100	3,5%
1.3.	Фан олимпиадаси кўрсаткичлари	100	3,5%
1.4.	«Хуқуқ билимдонлари» кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	3,5%
1.5.	«Китобхон мактаб» кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	3,5%
1.6.	«Ораста қизлар» кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	3,5%
1.7.	«Жаҳолатга қарши маърифат» кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	3,5%

1.8.	“Конституция бахтимиз пойдевори” кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	3,5%
1.9.	“Президент асарларини ўрганамиз” кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	3,5%
1.10.	“ОИТС ва гиёҳвандликка қарши бирлашайлик” кўрик танлов кўрсаткичлари	100	3,5%
1.10.	“Инглиз-тили билимдонлари” кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	3,5%
1.11.	9-синф битирувчилари ўртасида ўтказилган умумтаълим фанларини ўзлаштириш мониторинги кўрсаткичлари	100	3,5%
1.12.	Ўқувчилар ўртасида ўтказилган онлайн олимпиада кўрсаткичлари	100	3,5%
	II. Ўқитувчилар касбий маҳорати кўрсаткичи индекси	800	28,6%
2.1.	Ўқитувчилар таянч маълумот кўрсаткичлари (олий, ўрта махсус)	100	3,5%
2.2.	Ўқитувчиларнинг малака тоифалари бўйича сифат кўрсаткичлари	100	3,5%
2.3.	“Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	3,6%
2.4.	“Йилнинг энг фаол синф раҳбари” кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	3,6%
2.5.	“Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси” кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	3,6%
2.6.	Ўқитувчилар ўртасида “Энг яхши веб-сайт” кўрик-танлови кўрсаткичлари	100	3,6%
2.7.	Чет тили ўқитувчиларининг ойлик маошларига қўшиб бериладиган устамалар кўрсаткичи	100	3,6%
2.8.	Ўқитувчи ва раҳбар кадрларнинг малака ошириш курсларига жалб этиш режасининг бажарилиши кўрсаткичлари	100	3,6%
	III. Худудий халқ таълими бошқарув идораларининг умумий фаолият кўрсаткичлари индекси	400	14,3%
3.1.	“Энг обод таълим муассасаси” кўрик-танлови кўрсаткичи	100	3,5%
3.2.	Спорт мусобақаларидаги кўрсаткичлари	100	3,6%

3.3.	Ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълим-га жалб этиш кўрсаткичлари	100	3,6%
3.4.	Халқаро фан олимпиадалари ва кўрик-тан-ловлардаги ютуқлари кўрсаткичлари	100	3,6%
	IV. Кенг жамоатчиликнинг ҳудудий халқ таълими тизимда таълим-тарбия жараёни самарадорлигини баҳолаш ин-декси	200	7,1%
4.1.	Кенг жамоатчилик, таълим истеъмолчилари, ота-оналар ҳамда таълим муассасалари жамоалари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари кўрсаткичлари	100	3,6%
4.2.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг таълим-тарбия жараёни фаолиятига оид мурожаат-лари (шикоят ва аризалар) кўрсаткичлари	100	3,5%

** Кўрсаткичларга вазирлик иш режасига мувофиқ ўзгартириш-лар киритилиши, айримлари кейинги йилга кўчирилиши, чиқариб ташланиши ёки таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи янги кўрсаткичлар киритилиши мумкин.*

Халқ таълими вазирининг
2017 йил 16 январдаги 13-сонли буйруғига
2-илова

**Умумтаълим муассасаларида умумтаълим фанлари бўйича
билимлар беллашувини ташкил этиш тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 26 февралдаги “Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3857-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 226-сонли ва 2011 йил 1 мартдаги “Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 52-сонли қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, умумтаълим муассасаларида умумтаълим фанлари бўйича билимлар беллашувини *(кейинги матнларда беллашув)* ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1. Умумий қоидалар

1. Беллашув ўқувчиларнинг қобилият ва иқтидорларини қуйи синфлардан бошлаб аниқлаш ва ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш билан биргаликда мактабларда соғлом рақобатни шакллантириб, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ривожлантириб, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талабларини сифатли бажарилишини таъминлайди.

2. Беллашув халқ таълими тизимидаги барча умумий ўрта таълим муассасаларида жорий этилади ва мазкур Низом асосида амалга оширилади.

3. Беллашув Халқ таълими вазирлиги ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари томонидан ўтказиладиган Давлат таълим стандартлари мониторинги жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади.

II. Беллашувнинг мақсад ва вазифалари

4. Беллашувни ташкил этишдан мақсад умумий ўрта таълим муассасаларида Давлат таълим стандартларида белгиланган талаб-

ларнинг бажарилиш ҳолатини мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб бориш, ўқувчилар билимларидаги бўшлиқларни тўлдириш чораларини кўриш, ўқувчиларнинг иқтидор, қобилиятларини кўйи синфлардан бошлаб ривожлантириб, тизимли равишда уларни халқаро олимпиада ва танловларга тайёрлаш ҳамда жамоаларнинг натижалари асосида таълим муассасасалари, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари фаолиятига таълим сифати асосида баҳо бериб, рейтингини аниқлашдан иборат.

5. Беллашувнинг асосий вазифалари:

а) умумий ўрта таълим тизимида Давлат таълим стандартларининг бажарилишини назорат қилиш, ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишини мунтазам равишда таҳлил қилиш;

б) ўқувчилар билимларида аниқланган бўшлиқлар ва уларни келтириб чиқарган омилларнинг бартараф этиш чораларини кўриш;

в) ўқувчиларнинг иқтидорини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш учун етарли шарт-шароит яратиш;

г) ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари, мактаб раҳбарияти, педагогик жамоаларнинг таълим сифатини оширишга бўлган масъулиятлари ва фаолликларини кучайтириш;

д) ўқувчиларнинг ўқув фанларига бўлган қизиқишларини ошириш, уларни касбга йўналтириш ва таълимнинг кейинги босқичига тайёрлаш;

е) юқори натижага эришган ўқувчилар, уларнинг ўқитувчилари ва мактаб педагогик жамоасини рағбатлантириш орқали тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

ж) натижалар асосида ўзлаштирилиши қийин бўлган билимлар ёки жамият ва фан-техниканинг ривожланиши билан боғлиқ янгиликлар асосида ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда ўқитиш методикаси бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

III. Беллашувни ўтказиш тартиби

6. Беллашув ҳар ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг ёш, психофизиологик хусусиятларини инобатга олиб ҳамда уларнинг йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мазкур Низомнинг 1-илоvasида кўрсатилган фанлардан 4-синфлар учун бир босқичда, 5-6-синф ўқувчилари учун икки босқичда, 7-8- синф ўқувчилари учун *(қорақалпоқ тили ва адабиёти фанидан ташқари)* тўрт босқичда ташкил этилади.

4-синф ўқувчилари иқтидорини рўёбга чиқариш, юқори синфлардаги ака-оналарининг издошлари сифатида муносиб рағбатлантириш мақсадида она тили, математика, инглиз тили, ўқиш (дарсликдан ташқари ўқувчилар ёшига мос бадиий адабиётлар

мутоласига йўналтирилган) ва бошқа фанлардан “Билимлар беллашуви”нинг мактаб босқичини ўтказиш тавсия этилади.

4-синф ўқувчилари ўртасида “Билимлар беллашуви” ўтказиладиган фанлар, беллашув шартлари ва материаллари тегишли фан метод бирлашмаси томонидан белгиланиб, мактаб раҳбари томонидан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

Беллашувлар дарс жараёни ва ўқув режадаги дарс соатларини бажарилишига ҳалақит бермаслиги ҳамда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида дарслардан кейин ёки таътиллар вақтида куйидаги муддатларда ташкил этилади:

а) Биринчи (мактаб) босқич қишки таътил вақтида январь ойининг биринчи ўн кунлигида;

б) Иккинчи (туман, шаҳар) босқич баҳорги таътил вақтида март ойининг охириги ўн кунлигида;

в) Учинчи (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят) босқич апрель ойининг учинчи ўн кунлигида;

г) Тўртинчи (республика) босқич июнь-июль ойида “Интеллектуал ривожлантириш” оромгоҳининг навбатлари муддатларига мос равишда ташкил этилади.

7. Белгиланган фанлар ва синфлар бўйича беллашувларнинг барча босқичларида юқори балл тўплаб 1-ўринни эгаллаган бир нафар ўқувчи ғолиб, 2-, 3-ўринларни эгаллаган ўқувчилар эса совринли ўринни эгаллаган ўқувчилар деб ҳисобланади.

8. Биринчи босқичда умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчилари қизиқиши ва қобилиятларига қараб 1-иловада кўрсатилган фанлардан ҳоҳиш-истакларини инобатга олиб бир нечта фанлардан (3 та фандан ошмаган ҳолда) иштирок этишлари мумкин.

Беллашувларнинг барча босқичларида белгиланган фанлар ва синфлар бўйича бир нафардан аввалги босқичларда 76 балл ва ундан юқори балл тўплаб, ғолиб деб топилган ўқувчилар иштирок этади.

9. Умумий ўрта таълим мактаблари ва айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун билимлар беллашувлари ягона ёндашув асосида ўқув дастурларига ажратилган дарс соатларининг миқдорини инобатга олган ҳолда, умумий тарзда ташкил этилади.

10. Ваколатли органларнинг қарорлари билан ташкил этилган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларида билимлар беллашувининг биринчи босқичида ғолиб бўлган ўқувчилар муассасанинг қайси халқ таълими бошқаруви органига бўйсунушидан қатъий назар беллашувнинг иккинчи босқичидан бошлаб умумий тартибда иштирок этадилар.

Беллашувнинг учинчи босқичидан бошлаб ўқув режа ва дастурлардаги мавзуларни ўқитишга ажратилган соатларни инобатга олган

ҳолда ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари учун назорат материаллари ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқув дастурлари асосида, умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун эса умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурларига мувофиқ тайёрланади.

Учинчи босқичда ихтисослаштирилган мактаб ёки умумий ўрта таълим мактабидан иштирок этганлигидан қатъий назар ҳар бир синф ва фан бўйича энг юқори баллни тўплаган бир нафар ўқувчи ғолиб деб топилади ва беллашувнинг республика босқичида иштирок этади. Беллашувнинг республика босқичи ҳам шу тартибда ташкил этилади.

11. Синфлар ва фанлар бўйича ўқув дастурларининг мазмуни ҳамда улардаги мавзуларни ўқишга ажратилган дарс соатларини инобатга олган ҳолда ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари учун назорат топшириқлари ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқув дастурлари талаблари асосида, умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари асосида тайёрланади.

Беллашувнинг барча босқичлари учун тайёрланган назорат материалларининг 20% гача топшириқлари халқаро фан олимпиадалари ва беллашувлари талаблари асосида тайёрланиши мумкин.

12. Беллашувда ўқувчи тўплаши мумкин бўлган жами балларнинг 60%и тест топшириқларига, 40% ёзма иш ва амалий топшириқларни бажарганлиги учун тақсимланади. Беллашувнинг 3-4-босқичлари тест синовлари вазирлик таълим портали орқали онлайн тартибида ўтказилади.

13. Ўтган ўқув йилида беллашувнинг учинчи босқичида 1-ўринни эгаллаган ўқувчилар кейинги ўқув йилида шу фандан тўғридан-тўғри иккинчи босқичда, тўртинчи босқичида 1-ўринни эгаллаган ўқувчилар кейинги ўқув йилида шу фандан тўғридан-тўғри учинчи босқичда ўзлари таълим олаётган синф ва таълим муассасасининг турига мос равишда беллашувда иштирок этадилар.

14. Беллашувларни ўтказиш бўйича Халқ таълими вазирлиги ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари ва таълим муассасалари Ташкилий қўмита, Ҳакамлар ҳайъати ҳамда Апелляция комиссияларини ташкил этадилар.

15. Ташкилий қўмиталар беллашувга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишда мазкур Низомда белгиланган талаблар асосида ягона услубий ёндашувни таъминлайди ҳамда Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра ғолибларни аниқлайди, беллашув натижаларини кейинги тур бошлангунча эълон қилади.

16. Халқ таълими вазирлиги ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари беллашувларни тасдиқланган мезонлар ҳамда ошқоралик тайомиллари асосида ўтказиш чора-тадбирларини белгилайди ва амалга оширади.

17. Ташкилий қўмита томонидан беллашувларнинг бошланиш вақти белгиланади ва беллашувлар бошланишидан энг камида бир ҳафта олдин эълон қилинади. Белгиланган вақтдан кечикиб келган ўқувчи беллашувнинг шу турида иштирок этишига йўл қўйилмайди ва бу ҳақида тегишли далолатнома тузилиб ташкилий қўмита раисига топширилади.

18. Беллашув пайтида ўқувчиларнинг аудиториядан узрли сабабларсиз чиқиши таъқиқланади ва рухсатсиз аудиториядан чиққан ўқувчилар қайта беллашувга қўйилмайди.

Ёзма ишлар давомида ўқувчиларнинг бир-бирлари билан гаплашиши, жавобларни бир-бирига кўрсатиши, бўёвчи воситалар (штрих), калькулятор, уяли алоқа воситалари ва бошқа ҳар қандай маълумот берувчи қоғоз ва электрон воситалардан фойдаланиши, бошқаларга кўмаклашиши таъқиқланади.

19. Белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмаган ўқувчилар беллашувдан четлаштирилади ҳамда бу ҳақда тегишли далолатнома тузилиб, аудитория раҳбари ва ўқувчилар томонидан имзоланади. Ушбу далолатномалар ҳакамлар ҳайъати раисига топширилади.

IV. Беллашувнинг биринчи босқичини ўтказиш

20. Беллашув ўқувчиларни билим олишга бўлган қизиқишларини ривожлайтирган ҳолда мактаб жамоаси ўртасида кўтаринки кайфиятда ташкил этилади.

Ҳар бир фан ўқитувчиси “Билимлар куни” дан бошлаб ўқувчиларга беллашувлар ўтказилиши ва унга тайёргарлик кўриб боришлари лозимлигини таъкидлайди.

Фан ўқитувчиси ҳар бир дарсда ўрганилаётган мавзунинг асосий таянч тушунчасига оид топшириқ беллашувда берилиши мумкинлигини таъкидлайди ҳамда ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишлари ва қобилиятларини турли усуллар билан ривожлантириб боради.

Дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг хоҳиш ва қизиқишларига қараб беллашувларга тайёргарлик кўрилади.

Декабр ойида ҳар бир фан ўқитувчиси ўзи дарс бераётган синфдаги ўқувчиларни фанлар бўйича билимлар беллашуви ўтаётганлигидан хабардор қилади. Синфдаги ўқувчилар билан биргаликда, ўзи дарс бераётган фандан 2-3 нафар энг билимдон ўқувчилардан иборат синф терма жамоасини шакллантиради. Беллашувда синфнинг терма жамоаси иштирок этади.

21. Ҳар бир мактабда “Билимлар беллашуви” бурчаги ташкил этилади. Мазкур бурчакка фан методбирлашмалари томонидан ўқувчиларни билим олишга чорлайдиган шиор ҳамда синфлар ва

фанлар кесимида билимлар беллашувига қатнашадиган ўқувчилар рўйхати шакллантирилиб, чиқариб қўйилади.

Шунингдек, бурчақда билимлар беллашувига оид барча янгиликлар, маълумотлар (Низом, баҳолаш мезонлари, назорат материалларидан намуналар, ўтган ўқув йилларида ўқувчилар қўлга киритган натижалар, дипломлар, расмлар ва бошқ.) бериб борилади.

22. Беллашувнинг биринчи босқичи Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг умумий раҳбарлиги ва назорати остида ўтказилади.

23. Беллашувнинг биринчи босқичини ўтказиш масъулияти умумтаълим мактаблари директорлари зиммасига юкланади ва улар мактаб ташкилий қўмитасига раислик қилади.

24. Ташкилий қўмита таркибига мактаб қошидаги махсус комиссиянинг мониторинг гуруҳи аъзолари, ўқитувчилар, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари киритилади.

25. Биринчи босқичда беллашув топшириқлари кўп вариантлилиқ асосида Таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари тавсиясига кўра умумтаълим мактаблари фан ўқитувчилари томонидан тайёрланади ва мактаб фан метод бирлашмаларида кўриб чиқилиб, тасдиқланади. Таълим муассасалари ўзаро назорат материалларини алмашишлари мумкин.

26. Биринчи босқич Низомнинг 1-иловасидаги ўқув фанлари ва синфлар бўйича ўқув йилининг январь ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади.

27. Биринчи босқични ўтказиш жадвали ташкилий қўмита томонидан тасдиқланиб, мактабдаги “Билимлар беллашуви” бурчагига беллашув ўтказилишидан камида икки ҳафта олдин чиқариб қўйилади.

28. Мактаб методика кенгаши беллашув натижаларини педагогика кенгаши муҳокамасига киритади.

29. Беллашувнинг биринчи босқичи натижалари асосида ўқитувчиларнинг фаолиятига баҳо берилади ва ўқувчиларнинг кўрсатган натижалари асосида ўқитувчиларнинг мактаб бўйича рейтингини аниқланади.

Ҳар бир ўқитувчи дарс бераётган синфлардан қатнашган жами ўқувчиларнинг умумий ўртача бали ўқитувчининг рейтинг бали ҳисобланади ҳамда шу баллар асосида уларнинг рейтингини аниқланади.

Беллашувнинг биринчи босқич натижалари асосида ўқувчиларнинг билимларида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

30. Беллашувнинг биринчи босқичида қолиб деб топилган ўқувчилар иккинчи (туман) босқичда иштирок этиши учун фанлар

бўйича натижалар Ташкилий кўмита томонидан тавсия этилган жадваллар шаклида (қоғоз ва электрон кўринишда) ҳар ўқув йилининг 20 январига қадар Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларига тақдим этилади.

31. Беллашувда совринли I, II, III ўринларни эгаллаган ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчилари ҳомийлар ва бюджетдан ташқари топилган маблағлар ҳисобидан моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

32. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларидаги Давлат таълим стандартлари мониторингини методик таъминлаш кичик гуруҳлари томонидан биринчи босқич якунлари беллашув ўтгандан сўнг бир ой муддат ичида сайланма тарзда ўрганилади ҳамда натижалари таҳлил қилинади.

33. Беллашувни юқори савияда ва ҳолис ўтказилганлигига қараб муассаса фаолиятига баҳо берилади.

V. Беллашувнинг иккинчи босқичини ўтказиш

34. Беллашувнинг иккинчи босқичини ўтказиш масъулияти Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарларининг зиммасига юкланади ва улар туман (шаҳар)ташкилий кўмитасига раислик қилади.

35. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан умумий ўрта таълим муассасаларида ўтказилган биринчи босқич якунлари юзасидан тақдим этилган маълумотлар таҳлил этилиб, иккинчи босқичда иштирок этадиган ўқувчиларнинг умумий рўйхати шакллантирилади.

36. Беллашувнинг иккинчи босқичи етарли моддий-техник базага эга, барча мактаблардан келиш ва кетиш учун транспорт қатнови қулай бўлган таълим муассасаларида ўтказилади.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари мактаблар сони ва масофасидан келиб чиқиб, ташкилий кўмита қарорига кўра билимлар беллашувининг туман босқичини дастлаб ҳудудларга бўлинган ҳолда ташкил этиши мумкин.

Беллашувнинг учинчи (вилоят) босқичида иштирок этадиган ўқувчиларни аниқлаш учун ҳар бир туман(шаҳар)да биринчи босқич натижаларига кўра совринли I ўринни эгаллаган ўқувчилар беллашадилар ва қолиблар аниқланади. Мактабнинг рейтинг бали учун ўқувчилар беллашувнинг ҳудудий босқичида олган баллари асос қилиб олинади.

37. Беллашувнинг иккинчи босқичи барча туман (шаҳар)ларда март ойининг учинчи ўн кунлигида баҳорги таътил даврида ўтказилади.

38. Туман (шаҳар) ташкилий қўмитаси иккинчи босқични ўтказиш жадвалини тасдиқлаб, беллашув ўтказилишидан камида 10 кун олдин мактабларга юборади. Жадвал нусхаси назорат учун тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига топширилади.

39. Иккинчи босқич натижасида ҳудуддаги барча умумтаълим муассасаларининг рейтингини қийинчилик даражаси тенг бўлган назорат материаллари асосида аниқланишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари кўп вариантлик асосида назорат материалларини тайёрлаб, махфийлиги таъминланган ҳолда беллашув ўтказиладиган куни вакиллар орқали туман (шаҳар)ларга етказилади.

40. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари Давлат таълим стандартлари мониторингини методик таъминлаш кичик гуруҳлари бир ҳафта муддатда беллашувнинг иккинчи босқич натижаларини биринчи босқич натижалари билан солиштириб, таҳлил қилади ҳамда туман (шаҳар) бўйича ҳар бир мактабнинг рейтингини аниқлаб, тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига белгиланган шаклда тақдим этади.

41. Беллашувларнинг иккинчи босқич натижалари Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг навбатдаги кенгаш йиғилишида муҳокама этилади ҳамда ўқувчилар билимларида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланади.

42. Иштирокчиларнинг натижаларини синфлар кесимида ҳар бир фан бўйича беллашув якунлангандан сўнг 3 кун ичида Ташкилий қўмита томонидан тавсия этилган жадваллар шаклида (қоғоз ва электрон кўринишда) тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига тақдим этилади.

43. Беллашувда I, II, III ўринларни эгаллаган ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчилари моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

44. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларидаги Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлимлари томонидан иккинчи

босқич натижалари беллашув ўтгандан сўнг бир ҳафта муддат ичида сайланма тарзда ўрганилади ҳамда натижалар таҳлил қилинади.

45. Беллашув юқори савияда ва адолатли ўтказилганлигига қараб халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятига баҳо берилади.

VI. Беллашувнинг учинчи босқичини ўтказиш

46. Беллашувнинг учинчи босқичини ташкил этиш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари раҳбарлари зиммасига юкланади ва улар беллашувнинг учинчи босқичини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитага раислик қиладилар.

47. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари томонидан иккинчи босқич якунлари юзасидан тақдим этилган маълумотлар таҳлил этилиб, учинчи босқичда иш-тирок этадиган ўқувчиларнинг умумий рўйхати шакллантирилади ва тасдиқланади.

48. Беллашувнинг учинчи босқичи апрель ойининг охиригى ўн кунлигида ўтказилади;

49. Беллашув етарли моддий-техник базасига эга бўлган, барча туман (шаҳар)лардан келиш ва кетиш учун транспорт қатнови қулай бўлган таълим муассасаларида ўтказилади.

50. Ташкилий қўмита томонидан беллашувларнинг учинчи босқичини ўтказиш жойи аниқланиб, беллашув ўтказилишидан камида 10 кун олдин вазирликка ахборот берилади.

51. Қийинчилик даражаси бир хил бўлган назорат материаллари орқали Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари рейтингини аниқлаш мақсадида учинчи босқич ёзма ва амалий иш топшириқлари ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари томонидан вилоят методика маркази билан ҳамкорликда тайёрланиб, махфийлиги таъминланган ҳолда беллашув ўтказиладиган куни беллашувнинг учинчи босқичи ўтказиладиган таълим муассасасига етказилади.

52. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлимлари томонидан учинчи босқич натижалари иккинчи босқич натижалари билан солиштирилиб, таҳлил қилинади ҳамда ҳудуд бўйича ҳар бир таълим муассасаси ва туман (шаҳар)нинг рейтинги аниқланади.

53. Иккинчи ва учинчи босқич натижалари Ташкилий кўмита томонидан тавсия этилган жадваллар шаклида (коғоз ва электрон кўринишда) беллашув тугаган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида ташкилий кўмита раиси ёки масъул котиб томонидан Республика ташкилий кўмитасига шахсан топширилади.

54. Қорақалпоқ тили ва адабиёти фани бўйича учинчи босқич беллашув топшириқларини тайёрлаш масъулияти Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти зиммасига юклатилади.

55. Беллашувнинг учинчи босқичида I, II, III ўринларни эгаллаган ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчилари моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Совринли ўринларни эгаллаган ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларини ёзги таътил мавсумида “Интеллектуал ривожлантириш” оромгоҳларида дам олишлари ташкил этилиб, улар учун олимлар иштирокида мастер-класс учрашувлари, машғулотлар, фан кечалари, турли викториналар, мусобақа ва танловлар ўтказилади.

56. Беллашувни юқори савияда ва холис ўтказилганлигига қараб Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, ҳудудий малака ошириш институтлари фаолиятига баҳо берилади.

57. Беллашувнинг учинчи босқичи натижалари асосида ўқувчиларнинг билимларида пайдо бўлган бўшлиқлар аниқланади ва уларни тўлдириш юзасидан ҳудудий Методика марказлари ҳамда малака ошириш институтлари ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

VII. Беллашувнинг тўртинчи босқичини ўтказиш

58. Билимлар беллашувининг якунловчи тўртинчи босқичини ташкил этиш ва ўтказишга Халқ таълими вазирлиги масъул ҳисобланади.

59. Вазирлик ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган учта босқич якунлари беллашув ўтказилгандан сўнг бир ой муддат ичида сайланма тарзда жойларда ўрганилади ҳамда босқичлардаги натижалар қиёсий таҳлил қилинади.

60. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари тўртинчи босқич иштирокчиларини беллашувда иштирокини таъминлаш мақсадида зарур ташкилий чора-тадбирларни кўради.

61. Беллашувнинг тўртинчи босқичида фанлар ва синфлар бўйича беллашувнинг учинчи босқичида 1-ўринни эгаллаган 7-8-синф ўқувчилари иштирок этадилар.

62. Беллашув ўтказиладиган жойга иштирокчиларни олиб келиш ва олиб кетиш, вақтинчалик уларнинг яшаш, йўлда овқатлантириш ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъулият ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилади.

63. Беллашувнинг республика тўртинчи босқичини ўтказиш учун назорат материаллари Республика ташкилий қўмитаси раҳбарлигида вазирлик тасарруфидаги педагогика институтлари, Республика таълим маркази, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари томонидан малакали мутахассислар, методистлар ҳамда тажрибали ўқитувчиларни жалб этган ҳолда, кўп вариантлилиқ (*камида 3 та вариант*) асосида махфийлиги таъминлаган ҳолда тайёрланади.

64. Беллашувнинг тўртинчи босқичи ўқув йили тугагандан сўнг, июнь-июль ойларида ягона услубий ёндашув асосида бир жойда, фан йўналишларига бўлинган ҳолда ўтказилади.

65. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари беллашув ўтказиладиган кундан бир кун олдин барча иштирокчиларни белгиланган ҳудудларга етиб келишларини таъминлашлари шарт.

66. Халқ таълими вазирлигининг Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси раҳбарлигида Республика таълим маркази томонидан тўртинчи босқич натижалари иккинчи ва учинчи босқич натижалари билан солиштирилиб, таҳлил этилади ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқаруви органларининг рейтинг аниқланади.

67. Беллашувнинг тўртинчи босқичида I, II, III ўринларни эгаллаган ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчилари моддий ва маънавий рағбатлантирилади ҳамда ўқувчиларнинг "Интеллектуал ривожлантириш" оромгоҳларида дам олишлари ташкил этилади.

VIII. Ҳакамлар ҳайъати

68. Беллашувнинг барча босқичларини ўтказиш учун ҳар бир фан ва синф бўйича малакали мутахассислар, амалиётчи ўқитувчилардан (*камида 3 нафар мутахассис*) иборат Ҳакамлар ҳайъати таркиби тuzилади.

69. Беллашувнинг биринчи босқичида Ҳакамлар ҳайъати таркибида бошқа мактаб ўқитувчилари ва мутахассисларини ҳам жалб этиш мумкин.

70. Ҳакамлар ҳайъати қуйидаги вазифаларни бажаради.

а) беллашувлар бошланишидан аввал назорат материалларини экспертиза қилади, зарур ҳолатларда уларга тегишли ўзгартиришлар киритади, иштирокчилар томонидан бажарилган ишларни тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида текширади ва баҳолайди;

б) беллашувлар натижалари ҳақида ташкилий қўмига батафсил ҳисобот беради ва текширилган ишларни шифр бўйича тақдим этади.

71. Ҳакамлар ҳайъати таркибига тавсия қилинган аъзолар беллашувнинг адолатли ўтказилиши, ўқувчиларнинг назорат ишларига қўйилган балларига изоҳ берилишига шахсан масъулдирлар. Беллашувларни ташкил этиш тартибини бузган Ҳакамлар ҳайъати аъзоларига нисбатан амалдаги қонунчилик талаблари асосида жазо чоралари қўлланилади.

72. Ҳар бир фан бўйича тузилган Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ўзлари орасидан қуръа ташлаш йўли билан Ҳакамлар ҳайъати раисини танлайдилар.

IX. Аудитория раҳбари ва назоратчилар

73. Беллашувнинг барча босқичларида беллашув жараёнини бошқариш, ташкилий ишларни бажариш, адолатлилиқ, ҳолислилик таъминлашига амал қилинишини таъминлаш мақсадида ташкилий қўмига томонидан қуръа ташлаш (беллашув ўтказиладиган куни эрталаб) йўли билан беллашув ўтказиладиган хоналарга аудитория раҳбари ва назоратчи тайинланади.

74. Аудитория раҳбарлари қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) тегишли фан бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзоларини беллашув ҳужжатлари билан таништиради;

б) беллашув жараёнида ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилмаган ўқувчиларни беллашувдан четлаштириш бўйича далолатнома тузиб, ташкилий қўмига ва ҳакамлар ҳайъатига топширади;

в) ёзма ишларни шифрлаб, текшириш учун ҳакамлар ҳайъатига топширади.

г) шифр бўйича рўйхатни ташкилий қўмига тақдим этади.

75. Иштирокчи ўқувчиларнинг ота-оналари, уларнинг ўқитувчилари ёки ҳудудий халқ таълими бошқаруви идораларининг вакиллари беллашувлар бўлаётган аудиторияга назоратчи-кузатувчи сифатида кириши мумкин (*ота-оналар ва ўқитувчилар фақат ўзларининг фарзанди ёки ўқувчиси иштирок этаётган хонадон бошқа хонага киришига рухсат берилади*), аммо уларнинг жараёнга аралашishi қатъий таъқиқланади, тартибга риоя қилмаганлар аудитория раҳбари томонидан хонадан чиқариб юборилади.

Х. Апелляция комиссияси

76. Ҳакамлар ҳайъати таркибига кирмаган биттадан фан мутахассислари ва ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан иборат апелляция комиссияси тузилади. Ташкилий қўмита томонидан белгиланган, ҳакамлар ҳайъати таркибига кирмаган биттадан фан мутахассиси апелляция комиссияси аъзоси сифатида барча турдаги назорат ишларини баҳолаш жараёнини тўлиқ кузатиб боради.

77. Ташкилий қўмитанинг раиси бевосита апелляция комиссияси раиси ҳисобланади.

78. Апелляция комиссияси томонидан беллашув қатнашчиларининг шикоятлари ва аризалари беллашув натижалари эълон қилинган вақтнинг ўзида ўқувчи аудиториядан чиқмасдан туриб қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

79. Беллашув қатнашчиларининг аризалари апелляция комиссияси раиси, ўқувчи ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокида апелляция комиссияси аъзолари томонидан кўриб чиқилади. Апелляция вақтида ўқувчининг ота-онаси ёки ўқитувчисининг иштирок этиши ва текшириш жараёнига аралашishi тақиқланади.

80. Апелляцияга беллашув қатнашчиларининг фақат ўзлари томонидан бажарилган ишларнинг натижалари бўйича берган аризалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади, бошқа ўқувчиларнинг ишлари билан танишишга йўл қўйилмайди.

81. Апелляция комиссияси асос бўлганда, ҳакамлар ҳайъати қарорини бекор қилиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

XI. Иштирокчилар ишларини баҳолаш ва рейтинг чиқариш

82. Ҳар бир босқичда иштирокчилар ишлари шифрланган тарзда ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади.

83. Ҳар бир фан бўйича тасдиқданган мезон асосида иштирокчиларнинг ишлари 100 баллик тизимда баҳоланади.

84. Ҳар бир фан ва синфлар бўйича беллашувнинг тўртинчи республика босқичидан ташқари барча босқичларда 1-ўринни эгаллаган ғолиб ўқувчилар сони биттадан ошмаслиги керак. Беллашув жараёнида ғолибликка давогар ўқувчиларнинг умумий тўплаган баллар йиғиндиси тенг бўлиб қолганда уларга қўшимча тест топшириғи берилади. Ғолиб аниқлангунга қадар беллашув давом эттирилади. Ўқувчиларнинг қўшимча топшириқларда олган баллари рейтинг балига таъсир қилмайди, фақат далолатнома тузилиб ғолиб аниқланади.

Беллашувнинг тўртинчи республика босқичида ҳар бир фан ва синф бўйича 1-ўрин 1 та, 2-ўрин 2 тагача (баллари ўзаро тенг бўлиши

шарти билан), 3-ўрин 3 тагача (баллари ўзаро тенг бўлиши шарти билан) этиб белгиланади.

85. Фанлар бўйича баллар мос равишда амалдаги ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп баллик рейтинг тизими асосида баҳолар даражаларига тенглаштирилади, яъни,

“5” баҳо - 86-100;

“4” баҳо - 71-85;

“3” баҳо - 56-70.

86. Ўқувчиларнинг тўплаган баллари асосида уларнинг иштирокчилар ўртасидаги ўрни аниқланади.

87. Ушбу Низомнинг 84-бандига асосан барча босқичларда 1-ўрин фақат битта ўқувчига берилиб, республика босқичидан ташқари барча босқичларда 2-ўринга 2 тагача, 3-ўринга 3 тагача давогар ўқувчиларнинг умумий баллари тенг бўлиб қолган тақдирда, уларнинг ўрни тенг деб белгиланади. Агар 2-ўринга давогарлар сони 2 тадан, 3-ўринга давогарлар сони 3 тадан ортиқ бўлса, улар ўртасида қўшимча тест синовлари ўтказилиб, аниқланади. Қўшимча синов натижасида 2- ёки 3-ўринга давогар бир нафар қолиши ҳам мумкин.

XII. Беллашув натижасида ҳар бир таълим муассасаси ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви органлари рейтингини аниқлаш механизми

88. Таълим муассасалари рейтингини аниқлаш жараёнида бошланғич балл сифатида мактаб ўқувчилари томонидан беллашувларнинг туман босқичида тўпланган балл, кам комплектли мактабларнинг рейтингини аниқлаш жараёнида эса фақат мактабдан қатнашган ўқувчиларнинг умумий ўртача бали асос сифатида олинади.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман(шаҳар) бўлимлари рейтингини аниқлаш жараёнида шу ҳудуд ўқувчиларининг билимлар беллашувларининг учинчи босқичида, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирилиги, Тошкент шаҳри халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг рейтингини аниқлашда шу ҳудуд жамоасининг республика босқичида тўплаган умумий ўртача бали асос сифатида олинади.

Низомга 1-илова

Билимлар беллашуви ўтказиладиган фанлар ва назорат турлари

№	Фан номи	4-синф	5-синф	6-синф	7-синф	8-синф	Жами	1-2-босқич	3-босқич	4-босқич
1.	Она тили ва адабиёт	+	+	+	+	+	5	Ёзма иш – диктант, ижодий баён, Тест 30 та савол	Ёзма иш – диктант, ижодий баён, Тест 30 та савол	Ёзма иш – диктант, ижодий баён, Тест 30 та савол
2.	Қорақалпоқ тили ва адабиёти	+	+	+	+	+	5	Ёзма иш – диктант, ижодий баён, Тест 30 та савол	Ёзма иш – диктант, ижодий баён, Тест 30 та савол	Ўтказилмайди
3.	Рус тили ва адабиёти (таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда)	+	+	+	+	+	5	Ёзма иш – диктант, ижодий баён, Тест 30 та савол	Ёзма иш – диктант, ижодий баён, Тест 30 та савол	Ёзма иш – диктант, ижодий баён, Тест 30 та савол
4.	Ўзбек тили (таълим рус ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)		+	+	+	+	4	Ёзма иш – диктант, матн яратиш, Тест 30 та савол	Ёзма иш – диктант, матн яратиш, Тест 30 та савол	Ёзма иш – диктант, ижодий баён, Тест 30 та савол
5.	Рус тили (таълим рус тилида олиб бориладиган таълим муассасаларидан ташқари)		+	+	+	+	4	Ёзма иш – диктант, ижодий баён, Тест 30 та савол	Ёзма иш – диктант, ижодий баён, Тест 30 та савол	Ёзма иш – диктант, ижодий баён, Тест 30 та савол

6.	Инглиз тили	+	+	+	+	+	Тинглаб-тушуниш (тингланган ахборотни инглиз тилида ёзма ёв оғзаки баён қилиш), ўқиб-тушуниш (ўқиган матни бўйича савол- ларга жавоб беради), грамматикага оид тест 30 та савол	Тинглаб-тушуниш (тингланган ахборот- ни инглиз тилида ёзма ёв оғзаки баён қилиш), ўқиб-тушуниш (ўқиган матни бўйича савол- ларга жавоб беради), грамматикага оид тест 30 та савол
7.	Немис тили	+	+	+	+	+	Тинглаб-тушуниш (тингланган ахборотни немис тилида ёзма ёв оғзаки баён қилиш), ўқиб-тушуниш (ўқиган матни бўйича савол- ларга жавоб беради), грамматикага оид тест 30 та савол	Тинглаб-тушуниш (тингланган ахборот- ни немис тилида ёзма ёв оғзаки баён қилиш), ўқиб-тушуниш (ўқиган матни бўйича савол- ларга жавоб беради), грамматикага оид тест 30 та савол
8.	Француз тили	+	+	+	+	+	Тинглаб-тушуниш (тингланган ахборотни француз тилида ёзма ёв оғзаки баён қилиш), ўқиб-тушуниш (ўқиган матни бўйича савол- ларга жавоб беради), грамматикага оид тест 30 та савол	Тинглаб-тушуниш (тингланган ахборот- ни француз тилида ёзма ёв оғзаки баён қилиш), ўқиб-тушуниш (ўқиган матни бўйича саволларга жавоб беради), грамматикага оид тест 30 та савол

9	Тарих							3	Тест – 40 та савол	Тест – 50 та савол	Оғзаки савол-жавоб - 4 та савол, Тест - 30 та савол
10.	Давлат ва ҳуқуқ асослари							1	Тест – 40 та савол	Тест – 50 та савол	Оғзаки савол-жавоб - 4 та савол, Тест - 30 та савол
11.	Математика	+		+	+	+		5	Ёзма иш – 5 та савол, Тест - 30 та савол	Ёзма иш - 5 та савол, Тест - 30 та савол	Ёзма иш - 5 та савол, Тест - 30 та савол
12.	Информатика					+		1	Амалий иш - 5 та савол, Тест - 30 та савол	Амалий иш - 5 та савол, Тест - 30 та савол	Амалий иш - 5 та савол, Тест - 30 та савол
13.	Физика					+		2	Ёзма иш – 5 та савол Тест - 30 та савол	Лаборатория иши - 1 та савол, ёзма иш - 3 та савол, Тест-30 та савол	Лаборатория иши - 1 та, савол, ёзма иш - 3 та савол. Тест- 30 та савол
14.	Қимё					+		1	Ёзма иш – 5 та савол Тест 30 та савол	Лаборатория иши - 1 та савол, ёзма иш - 3 та савол, Тест- 30 та савол	Лаборатория иши - 1 та, савол, ёзма иш - 3 та савол. Тест- 30 та савол
15.	Биология					+		3	Ёзма иш – 5 та савол Тест - 30 та савол	Лаборатория иши - 1 та савол, ёзма иш - 3 та савол, Тест- 30 та савол	Лаборатория иши - 1 та, савол, ёзма иш - 3 та савол. Тест- 30 та савол
16.	География					+		3	Харита билан ишлаш 1 та савол, Тест - 30 та савол	Харита билан ишлаш 1 та савол, Тест - 30 та савол	Харита билан ишлаш 1 та савол, Тест - 30 та савол
17.	Иқтисодий билим асослари					+		1	Тест - 40 та савол	Тест - 50 та савол	Тест - 50 та савол
Жами			6	12	13	17	57				

Халқ таълими вазирлигининг
2017 йил 16 январдаги
13-сонли буйруғига
3- илова

**Билимлар беллашувини ташкил этиш бўйича Республика
Ташкилий Қўмитаси таркиби**

№	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими
1.	Б. Данияров	Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари, раис
2.	М.Вахобов	Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи, аъзо
3.	М.Юлдашев	Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи, аъзо
4.	Н.Муротов	Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи, аъзо
5.	Х.Даминов	Маънавий ва ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи, аъзо
6.	А.Носиров	Таълим стандартларини такомиллаштириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўлими бошлиғи, аъзо
7.	И.Зокиров	Республика таълим маркази директори, аъзо
8.	Н. Рахмонкулова	А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ректори, аъзо
9.	М.Пардаева	Республика таълим маркази директори ўринбосари, аъзо
10.	С.Хамраев	Республика таълим маркази Таълим сифати мониторинги бўлими бошлиғи, котиб
11.	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, аъзо	

Изоҳ: Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтган ҳолда ташкилий қўмита таркибига ушбу лавозимга тайинланган ёки мазкур вазифалар унинг зиммасига юкланган ходим киритилади.

Bosh muharrir:

Mahmudov Sarvar Yuldashevich

Bosh muharrir o'rinbosari v.v.b:

Umaraliyeva Muhayyo Abdugaparovna

Mas'ul kotib:

Tashxanov Nurbek Aybekovich

Badiiy muharrir:

Mamasoliyev Akbarali Hamzayevich

Tahrir hay'ati:

Ulug'bek INOYATOV, Dilshod KENJAYEV, Risboy JO'RAYEV,
Hikmatilla RASHIDOV, G'ayrat SHOUMAROV,
Sharifjon ERGASHEV, Fayzulla AHMEDOV, Shavkat SHARIPOV,
Maqsudjon YULDASHEV, Islom ZOKIROV, Alisher ZOKIROV,
Hikmatilla DAMINOV

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.

E-mail: xalq_talimi@xtv.uz Tel.: (0 371) 239-27-14, Faks: 239-27-11

Jurnal O'zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro'yxatga olinib, 0852-raqamli
guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to'liq, o'zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal
tahririyatning kompyuter bo'limida terilib, sahifalandi.

"MAKTUB PRINT" mas'uliyati cheklangan jamiyatida chop etildi.

Toshkent shahri, Shayhontoxur tumani, Navoiy ko'chasi, 30-uy
Bosishga ruxsat etildi: 07.02.2017-y. Qog'oz bichimi 84x108 1/32.

Ofset bosma usuli. Shartli b.t. 7,0. Adadi 31 434 nusxa.

-buyurtma.

Bahosi kelishilgan narxda.

Ushbu songa mas'ul – Suyarova Lutfiya Muxiddinovna